# ҚИШЛОҚ ҲАЁТИ

2001 ЙИЛ 6 март, СЕШАНБА

Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий газетаси

1974 йил 1 январдан чиқа бошлаган

Qishloq HAYOTI

№ 27 (6.240). Сотувда эркин нархда


## САМИМИЙ МИННАТДОРЛИК

***ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА***

Жаноби Олийлари,

Гужаратдаги кўплаб қурбонларга сабаб бўлган ва катта вайронагарчилик олиб келган зилзила муносабати билан билдирган ҳамдардлигингиз учун Сиздан ғоят миннатдорман. Ушбу табиий офат қурбонлари ҳақидаги самимий сўзларингиз ва Ўзбекистон халқи ҳамда ҳукуматининг сахийлик билан кўрсатган ёрдами бизни тўлқинлантириб юборди.

Зилзила катта кўламдаги вайронагарчиликка сабаб бўлди. Ҳозирги пайтда жабрланганларга ёрдам кўрсатиш учун тезкор чоралар кўрилмоқда ва кенг миқёсли тиклаш ишлари олиб борилмоқда.

Жаноби олийлари, Сизга чуқур эҳтиромимни қабул қилишингизни сўрайман.

**Атал Биҳари ВАЖПАИ,**
**Ҳиндистон Республикаси**
**Бош вазири**

## КУННИНГ МУҲИМ ВОҚЕАЛАРИ

● **Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ташкил этилганлигининг беш йиллигига бағишланган йиғилиш бўлди.**

● Марказий банк ташаббуси билан Адлия вазирлиги, Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси, тижорат банклари ва бюджетдан ташқари жамғармаларнинг ҳудудий бўлимлари раҳбар ва мутахассислари республикамиз туман ва шаҳарларида бўлиб, тадбиркорлар ўртасида семинарлар ўтказмоқда.

● **Давлат Ер ресурслари қўмитасида тупроқ унумдорлигини оширишга бағишланган семинар-кенгаш бўлиб ўтди. Икки кун давом этган анжуманда ердан оқилона фойдаланиш, уни озиқлантириш, самарадорлигини ошириш, мелиоратив ҳолатини яхшилаш борасидаги биринчи галдаги вазифалар муҳокама этилди. Семинарда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, қишлоқ ва сув хўжалиги вазири Т.Холтоев иштирок этди.**

● «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси Япония делегацияси билан 27 апрелдан бошлаб Япония ва Ўзбекистон ўртасида мунтазам ҳаво қатновларини йўлга қўйиш тўғрисидаги шартномани имзолади.

● **Самарқанд вилоят ҳокимининг қарорига мувофиқ, ҳар ойнинг охирги шанбаси вилоятда таълим ва тиббиёт куни деб эълон қилинди.**

● Пойтахт вилоятининг Паркент туманида «Оналар ва болалар боғи» деб номланган янги маскан «Экосан» халқаро соғлом авлод жамғармаси ва шу туман аҳолиси томонидан бунёд этилди.

● **Муллатўйчи Тошмуҳамедов номидаги Қашқадарё вилоят мусиқали драма театрида «Бибихоним маънавияти» деб номланган кўрик-танлов бўлиб ўтди.**

● Урганч шаҳридаги Огаҳий номли театрда «Авесто»нинг 2700 йиллигига бағишланган адабий-бадиий кеча ўтказилди.

● **Бухорода теннис бўйича вилоят очиқ биринчилиги бўлиб ўтди. Унда Тошкент шаҳри, Бухоро, Андижон, Фарғона, Қашқадарё ва Тошкент вилоятларининг тажрибали теннисчилари иштирок этди.**

## САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА**

Хайр ва саховат байрами бўлмиш муборак Ийд ал-Адҳо - Қурбон ҳайитининг кириб келиши муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига ўзимнинг самимий табрикларим ва эзгу тилакларимни йўллашдан беҳад мамнунман.

Аллоҳ таборака ва таолодан бу қутлуғ айёмда Сизга мустаҳкам соғлиқ-саломатлик, дўст халқингизга ва мусулмон умматига хайру баракот ато этишини тилаб қоламан.

Айёмингиз муборак бўлсин.

**Муҳаммад Хусний МУБОРАК,**
**Миср Араб Республикаси**
**Президенти**

* * *

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА**

Қурбон ҳайити муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига энг самимий табрикларимни изҳор этаман.

Шу фурсатдан фойдаланиб, турк халқи ҳамда ўз номимдан Сиз, Жаноби Олийларига соғлиқ ва бахт, дўст ва қардош Ўзбекистон халқига ҳамиша омонлик ва фаровонлик тилаб, энг эзгу ниятларимни йўллайман.

**Аҳмет Неждет СЕЗЕР,**
**Туркия Республикаси Президенти**

* * *

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА**

Қутлуғ Қурбон ҳайити кириб келиши муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларини, Ўзбекистон ҳукумати ва халқини табриклайман.

Қодир Аллоҳдан Сиз, Жаноби Олийларига сиҳат-саломатлик, Ўзбекистон халқи ва ҳукуматига фаровонлик ва муваффақиятлар тилаб қоламан.

**Саййид Муҳаммад ХОТАМИЙ,**
**Эрон Ислом Республикаси**
**Президенти**

* * *

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА**

Бутун мусулмон уммати муборак Қурбон ҳайитини нишонлаши муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига ва дўст Ўзбекистон халқига Малдив Республикаси ҳукумати ва халқининг қутловлари ҳамда ўзимнинг самимий табрикларим ва эзгу тилакларимни йўллайман.

Ушбу қувончли кунда Қодир Аллоҳ барча ислом умматига тинчлик ва бирдамлик, Сиз, Жаноби Олийларига мустаҳкам соғлиқ ва бахт-саодат, биродар халқингизга эса улкан тараққиёт ва доимий фаровонлик ато этсин.

**Маъмун АБДУЛҚАЮМ,**
**Малдив Республикаси Президенти**

* * *

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА**

Фидоийлик ва қурбонлик байрами - муборак Ийд ал-Адҳо кириб келиши муносабати билан Фаластин халқи ва раҳбарияти ҳамда шахсан ўз номимдан Сиз, Жаноби Олийларига ва Сиз орқали ҳукуматингиз ва биродар халқингизга қизғин табрикларимизни йўллашдан бағоят хурсандман.

Фурсатдан фойдаланиб, Сизга соғлиқ ва бахт, биродар халқингиз ва мамлакатингизга эса бундан буён ҳам тараққиёт, ривож ва фаровонлик сари боришни тилайман.

**Ёсир АРАФОТ,**
**Фаластин Мухторияти раиси,**
**Фаластин озодлик ташкилоти**
**раиси**

* * *

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА**

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракотуҳу.

Ислом уммати нишонлаётган муборак Ийд ал-Адҳо муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига самимий табрикларим, эзгу ниятларимни изҳор этишдан бахтиёрман.

Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло ушбу муборак байрамда Сиз, Жаноби Олийларига мустаҳкам соғлиқ, халқингизга эса равнақ, фаровонлик ва тараққиёт ато этсин.

Ушбу айёмда Аллоҳдан ислом умматимизга осойишталик, ҳуррият ва ҳамфикрлик сўрайман.

Президент Жаноби Олийлари, юксак эҳтиромларимни қабул этгайсиз.

**Абдулвоҳид БАЛҚАЗИЗ,**
**Ислом конференцияси ташкилоти**
**Бош котиби**

## МЕҲР - МУРУВВАТ БАЙРАМИ





***Қишлоғимизда уста Ўринбой деган кекса киши бор эди. Ҳар йили ийди Рамазон, Қурбон ҳайити келганда болаларга бир тангадан улашиб чиқарди.***

-Бу сизларга ҳайитлик, омон бўлгурлар. Бугун мусулмонларнинг байрами. Бир-бирларингни хафа қилмай, кулиб-қувнаб юринглар, - дер эди доим.

Ўринбой бува бошқа байрамларни тан олмасди. Раҳматли бутун умрида одамларга иморат қуриб, инсонларга яхшилик қилиб ўтди.

-Ҳали бир кун келиб, бу байрамларнинг нималигини тушуниб оласизлар, - дер эди у киши доим.

Уста буванинг айтган кунлари келди. Биз асл қадриятларимизга қайтдик.

Яна баҳор келди. Бахт ўлкасида ажиб бир тараддуд, ёқимли ташвиш бошланди. Деҳқонларимиз "пайтавасига қурт тушди". Далага чиқиб экиш-тикиш тараддудини кўра бошлади.

Мана шундай хосиятли кунларда Қурбон ҳайитини нишонлаб турибмиз.

Бу куннинг бахти қадрдонларимиз билан дийдорлашганимизда, беморлардан ҳол-аҳвол сўраб, уларнинг ҳолидан хабар олганлигимизда, етим-есирларга хайру саховат кўрсатганимизда.

Кўпгина юртдошларимиз Ислом динининг бешинчи аркони саналмиш фарз амалларини бажариш учун муқаддас ҳаж зиёратига жўнашган. Шукрки, шундай кунларга ҳам етдик. Шукрки, элимизда тинчлик-осойишталик.

**НИГОҲ**

Одамнинг тафтини одам олади, дейишади. Шу байрам баҳона қадрдонларини йўқотган кишиларнинг яқинларидан хабар олиб, марҳумларнинг ҳаққига дуо ўқиймиз. Ана шундай саодатли дамларда беихтиёр истиқлол берган бахтли кунларнинг қадр-қимматини ҳис этамиз.

Табиат хайру саховатини аямай, чор-атрофни кўкаламзорлаштириш тараддудида. Йўлга эгилиб турган ўрик гуллари оппоқ ғунчаларини силкитиб дилимизга ажиб бир ёруғлик бахш этади. Мана шундай яшариш фаслида сиз билан дийдорлашиб турибмиз.

Янги асрнинг илк баҳорида Сизнинг жамики эзгу ниятларингиз ижобат бўлсин, азиз юртдошлар.

Неккадам кўклам фасли, қутлуғ Қурбон ҳайити барчангизга муборак бўлсин!..

**СИЗ БУНГА НИМА ДЕЙСИЗ?**

***Аёл – ожиза, айни дамда у метин ирода соҳибаси, мушфиқ она, севикли ёр, қадрдон сингил, меҳрибон опа.***

## АЁЛ ИШЛАШГА ҲАҚЛИМИ?

Қизиғи, аёллар ҳақида сўз борганда, айнан юқоридаги таърифлар доирасида мушоҳада юритамиз. Бугун жамиятимизда аёл тадбиркор, олима, идора бошқарувчиси, раиса эканлигини баъзан унутиб қўямиз.

Аёллар ва эркаклар тенг ҳуқуқлилиги Асосий Қонунимизда ҳам кафолатланган. Жумладан, оғир жисмоний меҳнатлар таъқиқланган ҳолда аёллар ўзлари истаган идора, корхона, муассасада билим ва лаёқатидан келиб чиқиб меҳнат қилиш ҳуқуқларига эга. Бу жараёнда давлат томонидан берилган жуда кўп имтиёзлар ҳам аёл манфаатига хизмат қилади. Лекин...

Очиғи, баъзи эркаклар аёлларнинг давлат идораларида ишлашини хоҳлашмайди. "Аёл уйда фарзанд тарбияси билан машғул бўлиши керак, эркак эса кўча одами", - дейишади. Буни инкор этмаган ҳолда масалага бошқа томондан ёндошиб кўрайлик-чи...

Эътибор берсангиз, оилада ўғлингиздан кўра қизингизда билимга чанқоқлик, зийраклик, хушёрлик кучли. Агар ота-она сифатида розилик бериб, имкон яратсангиз, у ўзи истаган олий ўқув юртига кириб таҳсил олиши мумкин. Унинг тўрт-беш йил ўқиши учун анча-мунча куч, сарф-харажат кетади! Сўнг "қиз бола бировнинг хасми", дея ўзга хонадонга узатасиз. Бир пайтлар орзу қилган яхши умидларингиз саробга айланади. "Келин ошхонага, диплом эса сандиққа" деган ҳукм "ижроси"га бўйсунган қизингиз тақдиридан норози бўлсангиз-да, аёл бахти оилада бўлгани маъқул кўринади.

Балки "Аёлларни авайлаганимиз учун меҳнат қилишларига йўл қўймаймиз", - дея ўзларини оқламоқчи бўлганлар ҳам топилар. Аммо, дейлик, аёлда истеъдод бор, у буюк кашфиётлар қилишга, олима бўлишга қодир. Хўш, у ҳолда, аёлини кўчага чиқаришни истамайдиган эркакларни қўллаб-қувватлаш керакмикан?!

Аёлни, ҳатто, гул билан уриш ҳам гуноҳ ҳисобланади. Шундай экан, аёл учун фақат моддий фаровонликни ўйламай, унинг орзу, истак ва хоҳишларини инобатга олиб яшашларига, вужудига озор етказмасликка, қалб даъватларига қулоқ солиш, эъзозлаш эркак зотининг ғам қарзий, ҳам фарзий бурчидир.

**Ф.МАҲКАМОВА**

## ПРЕЗИДЕНТНИНГ ИСЛОМ УНИВЕРСИТЕТИГА ТУҲФАСИ

***Ўрта Осиёда ягона бўлган Тошкент ислом университетида катта шодиёна. Муборак Қурбон ҳайити арафасида мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг туҳфаси - Тунис давлатида чоп этилиб, мазкур мамлакат Президенти Зайн ал-Обидин бин Али томонидан Ўзбекистон халқига юборилган 30 жилдли Мусҳафи Шариф университет талабаларига сақлаш учун тақдим этилди.***

Мазкур ҳадя рамзий маънога эга бўлиб, мустақиллик йилларида Юртбошимиз раҳбарлигида Ўзбекистон халқининг миллий қадриятларимизни қайта тиклашга, дунё илми, маданиятини тебратган буюк алломаларимиз хотирасини эъзозлашга, уларнинг ўлмас ғояларини ҳозирги ва келажак авлодларга мерос қолдиришга қаратилган хайрли ишлар эътирофини англатади.

Жамиятимизда кечаётган маънавий янгиланиш жараёни диний манбаларни чуқур ўрганиш ҳамда ислом дини қадриятларини кенг тадқиқ этиш жабҳаларида ҳам амалга оширилмоқда. Бебаҳо туҳфа - Мусҳафи Шарифнинг Тунис давлати томонидан тақдим этилиши ўзбек халқига билдирилган эҳтиром ҳамда Имом Бухорий ва Имом Термизий каби алломалар юрти бўлган ўлкамизни бутун мусулмон олами қайтадан тан олаётганидан далолат беради.

Президентимизнинг ташаббуси ва фармонларига кўра ташкил этилган Тошкент ислом университетида талабалар дунё динлари, диншунослик, исломшунослик, ислом ҳуқуқшунослиги, халқаро иқтисодий муносабатлар, информатика ва ахборот технологияси каби мутахассисликлар бўйича таҳсил олмоқда. Ислом тарихи, фалсафаси, диний қарашларга оид манбаларни илмий таҳлил ва тадқиқ этиш, халқимиз қўлида сақланаётган осори атиқаларни тўплаш ва илмий ўрганишни йўлга қўйиш мақсадида университетда «Манбалар хазинаси» ташкил этилган. Бу хазина мамлакатимиз ва хорижда мавжуд бўлган қўлёзма ва нодир китоблар билан бойиб бормоқда.

Тадбирда Ўзбекистондаги хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари ҳам иштирок этиб, ўз саволларига қониқарли жавоблар олди.

Президентимиз номидан топширилган ушбу ҳадя ислом аҳкомларини янада кенг ўрганишда қимматли манба бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз. Туҳфани қабул қила туриб, университет талабалари ёшларга доимий ғамхўрлиги учун Юртбошимизга ўзларининг чексиз миннатдорликларини изҳор этдилар.

**(ЎзА)**

## ЗАМОНАМИЗ ҚАҲРАМОНЛАРИ КИМ?

***Ўзбекистон мустақилликка ўз кучи, қудратига ишониб эришди, десак хато қилмаган бўламиз. Бу ишонч замирида халқимизнинг олижаноб фазилатлари, тарихий қадриятлари, сабр-матонати, меҳнаткашлиги ётади.***



Мустабид тузумдан озод бўлиб, истиқлолга эришганимиздан кейинги ўн йилда миллат қаддини, юрт шаънини тиклаш осон бўлмади. Тарих берган улуғ имкониятдан фойдаланиб, ўз ҳаётимизни, ўз тақдиримизни қўлга олдик, ўзлигимизни англадик. Озод халқ, эркин миллат бўлиб дунё ҳамжамиятига танилмоқдамиз. Ўтган йиллар давомида Ўзбекистоннинг ёрқин келажагини яратдик ва яратмоқдамиз. Албатта, бу жараёнлар осон кечмаётир.

Бугун "Ўзбекистон менинг ягона Ватаним" деган ҳиссиёт билан яшаётган ҳар қайси инсоннинг пировард мақсади мамлакатимиз тараққиётига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшишдир. Ким қандай яшаётир ва ишлаётир, бу авваламбор, ҳар кимнинг виждонига, фуқаролик бурчи, масъулиятни қанчалик тушунишига, эртанги кунни, келажакни ўйлашига боғлиқ.

Ҳаётда инсон кўпроқ ўзининг шахсий манфаатларини қондириш учун яшайди. Тўқ, бадавлат яшасам, фарзандларим баркамол инсон бўлиб етишса, деган орзусини амалга ошириш учун умрбўйи изланади, интилади, меҳнат қилади. Лекин, боқий бир тушунчани, яъни Ватаннинг иқболи ва бахтидан айрича шахсий бахтнинг тўкис, мукаммал бўлмаслигини ҳамма ҳам тушуниб етармикан?!

(Давоми 2-бетда)

**ТААССУФ**

**Намангандаги бу воқеа етти йилдан буён давом этмоқда. Вилоят марказидаги икки савдо ташкилоти шунча йилдан буён ким кимга неча пул қарз эканини ҳал эта олмаяпти. Аввалига Наманган вилояти хўжалик суди, кейинчалик Андижон вилояти хўжалик суди муаммони ҳал этишга уриниб кўрди. Ва ниҳоят мазкур иш Республика олий хўжалик судида кўриб чиқилди.**

## ҲАМ ҲАҚ, ҲАМ НОҲАҚ ДАЪВОГАРЛАР

**Ишнинг моҳияти қуйидагича. 1995 йил июн ойида универсал магазин жамоаси Наманган савдо ишлаб чиқариш жамоа корхонасига (СИЖК) ўз магазинларини хусусийлаштириб олиш таклифи билан мурожаат этди. Кўп ўтмай уларнинг илтимоси қондирилди. Орадан икки ой ўтиб, тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилгач, универсам билан СИЖК ўртасида олди-сотди шартномаси тузилди.**

(Давоми 3-бетда)

## ЭМАС ОСОН БУ МАЙДОН ИЧРА ТУРМОҚ...

***Жиззах вилояти Мирзачўл туманидаги ҳозирги «Пахтазор» фермер хўжаликлари уюшмаси бир вақтлар совхоз эди. Кейин унинг ўрнида хўжалик юритишнинг янгироқ шакли - ширкатлар уюшмаси ташкил этилди. Лекин пешлавҳа ўзгаргани билан иш ўзгармади, бинобарин, натижа ҳам ўша-ўшалигича қолаверди.***

Шу боис ҳам қулоғигача қарзга ботиб, аъзоларига иш ҳақи беролмаётган, давлатга пахта ва ғалла сотиш режаларини мудом барбод этиб келаётган хўжалик раислигини Ҳайдар ака Абдураҳмоновга таклиф этишганида, у икки оёғини тираб қарши бўлди. Негаки, хўжаликдан барака кетган эди.

Бунинг асосий сабаби хўжалик раҳбарининг уқувсизлигида, деб билган вилоят раҳбарлари Ҳайдар аканинг эски жойига қайтишини қаттиқ «илтимос» қилди. Бунинг устига, хўжалик аъзолари ҳам Ҳайдар аканинг қайтишини сўраб қўйишмади. Шунда Ҳайдар ака эски совхозни тўлиқ фермер хўжаликлари уюшмасига айлантиришга рухсат этсангиз, розиман, деди. Шарт қабул қилинди.

**ИСЛОҲОТ**

- Шундай қилиб, хўжалик ташвишларини зиммамга олдим, - дейди Ҳайдар ака. - Аҳвол ўзим тасаввур қилганимдан ҳам оғирроқ экан. Хўжаликнинг салкам икки юз миллион қарзи бор. Техника талон-тарож бўлиб кетган, далаларни ўт-алаф босган, шўр юзага чиққан, ҳақ олмаётган ишчилар эса далага чиқишдан бош тортиб турарди.

**ЕРНИ БЎЛИБ БЕРИШДАН ҚЎРҚМАНГ**

Деҳқонда ишга рағбат уйғониши учун унда ерга эгалик ҳисси бўлиши лозим, деган фикрни маҳкам ушлаган Ҳайдар ака ишлайман деган кишиларни идорага тўплади. Уларга ўзининг фикрини тушунтирди. Лекин фермер бўлиш истагидаги одамлар кўп топилмади. Хўжалик ўзи эплолмаган ишни беш-ўнта фермернинг зиммасига юклаб қўймоқчи, деган эътирозлар айтилди. Ҳайдар ака бу эътирозни рад этмади. Фақат айтдики, одамларимиз ўзини-ўзи боқмаса, четдан келиб ҳеч ким уларнинг қорнини тўйғазмайди.

(Давоми 3-бетда)

**ОРИФЛАР ГУЛШАНИ**

*Мажмуи давони дард қилди,*
*Дардингки, монго даво бўлибдур.*

**АЛИШЕР НАВОИЙ.**

**Адабиётимизда, хусусан, мумтоз шеъриятимизда "дард" фаол сўзлардан биридир. Хўш, бу дард, бу оғриқ, ўзи нима? Тиббиётда оғриқ муҳим хусусиятлардан ҳисобланади. Оғриқ бу вужуднинг ўзи юз тутиши эҳтимол бўлган заволдан ана шу вужуд эгасининг огоҳлантирилишидир. Шу маънода ҳам**

## МИСЛИ БУЛОҚ СУВИ ЗИЛОЛ БЎЛҒАЙМАН

**тиббиётда дард шу дардни даволовчининг яқин ёрдамчиси. Токи оғриқ бор экан, ана шу оғриқни бартараф этиш баробарида мазкур оғриқни келтириб чиқараётган сабабларни даволаш ҳам осон кўчади. "Оғримаган ярадан қўрқ", дейилишининг боиси ҳам шунда.**

**Тиббий адабиётларда таъкидланишича, инсон вужудидаги неча минглаб оғриқ "марказлари" танамизни ўз "таъсир доираси"га "тақсимлаб олишган" бўлиб, ҳар бир марказ ўз тасарруфидаги "майдон"ни дардлардан огоҳ этувчи оғриқ келтириб чиқариш учун "масъул".**

(Давоми 4-бетда)

## ПАҲЛАВОНЛАР ҲАР КУНИ ТУҒИЛМАЙДИ

*Машҳур самбочи, жаҳон чемпиони Собир Қурбонов билан суҳбат*

***Собир ака ўзи ҳақидаги жимжимадор сўзларни ёқтирмайди. Феъл-атвори шунақа. Кураш гиламида, шогирдлари билан машғулот пайтида етти оламни унутади. Гаплашганда содда тилда гаплашишни хуш кўради.***

Дўстларини жуда қадрлайди. Уни ҳар гал эслаганимда қирқнинг қирқ синовидан омон ўтган дўстларим кўз олдимдан ўтади. Ҳиёнаткор, хасадгўйнинг тунд башараси ҳам баъзида лип этиб пайдо бўлади-ю, барибир алплар қаторига қўшила олмайди. Юзи юпқа, кети бўш-да, баччағарнинг. Полвон ундайларни силтаб беради. Эркакка ўхшаб ўтиришга ундайди.

Собир акага Ўзбекистонда "Асрнинг энг яхши самбочиси" номи берилганлигини эшитиб, хурсандлигимдан уйига сим қоқдим. Табриклади. Машина юбораман, келасиз, деб туриб олди. Эртаси кун кўришишга аҳдлашдик. Суҳбатимиз мароқли ўтди. "Тико"да Отабек полвоннинг уйланиш тўйига бирга бориб келдик. Устознинг елкасига ёпилган бекасам тўн қиш оқшомида куёвлик либосида турган ёш полвоннинг эгнига келинга қўшиб ёпиб қайтилди. Тўйга келганлар қарсак чалди. Полвон ўз ишидан ҳузурланди. Собир акага ҳазил оҳангида дедим:

**ҒУРУР**

-Биз ҳам сал юпқароқ, чопондан умидвор эдик.

Полвон қаҳ-қаҳ отиб кулди. Беғараз қаҳқаҳа бўлди. Бир маҳал тумшуғим остида лимо-лим пиёла кўрдим. Икки оғиз сўз билан узатилди:

-Сизга ички чопон ярашади. Бунинг тафти ҳам қолишмайди.

Полвон сўз ўйинида ҳам ютқазмади. Тўйдан қайтишда – кузатувга бир йўл одам чиқди. Йўл-йўлакай Комилжон Отаниёзов хонишини тинглаб қайтдик.

-Волгангиз салобатлироқ эди,- дедим йўлда Собир Қурбонни гапга тутиб.

(Давоми 4-бетда)


**КЕЛГУСИ СОНДА:**

ФЕРМЕР БИЛИМДОН БЎЛИШИ КЕРАК | ГУМРОҲГА ҲАМРОҲ БЎЛМА | МАЙДОНДАГИ ТИЛСИМ

# БУНИ ҲАЁТ ДЕЙДИЛАР...

## МАДАНИЯТ УЙИДАГИ... КАПТАРЛАР

***Кўпгина туманлардагидек Деновда ҳам маданият уйи... йўқ! Тўғри, бир пайтлар турли маданий-маърифий тадбирлар махсус биноларда ўтказилган саҳналарда "Бой ила хизматчи"дан лавҳалар намойиш этилган.***

Аммо, замонанинг зайли билан бундай маданий масканлар "бегона" қўлларга ўтиб, ўз мақомини ҳам ўзгартириб юборди.

Аксарият жамоа хўжаликлари тасарруфидаги маданият уйлари ҳам мулкчилик шакли ўзгаргандан сўнг ҳомийлар, таъминотчиларнинг йўқлиги туфайли ҳувиллаб қолди, бора-бора улар гала-гала... каптарларнинг маконига айланди. Одамлар ҳам қараб турмадилар – биров деразасини, яна биров эшигини ўмариб кетди.

С.Отабоев номли ширкат хўжалиги тасарруфидаги муҳташам маданият уйи ҳам узоқ вақт каптарлар ихтиёрига топшириб қўйилди. Яқиндагина маданият уйи туман халқ таълими бўлимига берилди.

-Мажлис ўтказадиган хонамиз ҳам тор эди, яхши бўлди, - дейди туман халқ таълими бўлимининг мудири Юсуфжон Сапиев. – Энди яйраб мажлис ўтказадиган бўлдик.

**Тожиддин РАЗЗОҚ**

## ЎЗИ БИЛАР КИМ ОЛДИН КЕТАР

***Салим отанинг тоби қочиб қолди. Дарднинг келиши осону, кетиши қийин, дейишади. Фарзандлари елиб-югуриб шифокорларга ҳам, табибга ҳам кўрсатишди. Ота ҳадеганда оёққа туравермади.***

"Ўлим ҳақ, - ўйлади кампири, - Яратган эгам умрини берсину, вақти-соати етиб, чол дунёдан кўз юмадиган бўлса, бирор метр мато ҳам олиб қўймаган эканмиз...".

Кампир бозорга йўл олди. Одамлар билан гавжум расталарни айланиб излаганини топгунича, пешин бўлди. Кампир тугунчасини қўлтиқлаганча, уйга шошилди. Чорраҳадан ўтаётиб, рўпарасидан ўқдек елиб келаётган машинани пайқамай қолди...

Чоли учун сотиб олинган матолар марҳуманинг ўзига буюрди.

Дарвоқе, бу дунёнинг биз тушуниб етмаган сир-синоатлари, қалтис ўйинлари бунчалар кўп?..

**Ҳ.ШАМШИЕВА**

## "МУШТИПАР" ҚАСАМИ

***Бозордаги гавжум расталардан бирида тўсатдан қий-чув кўтарилди. Беихтиёр ўша томонга бурилдим.***

-Ур, ўғрини!

-Ҳа, ярамас, ўл бу кунингдан!

Издиҳом ичида юзини икки қўли билан беркитганча, 25-30 ёшлар чамасидаги аёл турар, оломон эса унга ҳар томондан ҳақоратли сўзлар ёғдирарди.

-Худо ҳақи, мен олганим йўқ, пул ўзимники. Алдасам, иккита гулдек боламнинг ўлиги устида ўтирай!

Аёлнинг йиғламсираб, айтган гаплари кўпчиликка таъсир қилди. Кексароқ киши одамларга қарата хитоб қилди:

-Мусулмонлар, боласини ўртага қўйиб қасам ичяпти-ку! Ўғрилик қилмагандир, қўйворинглар бечорани!

Зум ўтмай ҳамма ҳар қаёққа тарқалиб кетди. Мен ҳам анча пайтгача бозор айланиб, энди ортга қайтаётган эдим, бозор дарвозаси олдида қулоғимга таниш овоз эшитилди. Қарасам бояги аёл. Атрофини яна оломон ўраб олган. Аёл эса кўз ёшини оқизганича атрофдагиларга илтижо қиларди:

-Нега ишонмайсизлар. Мен ўғрилик қилганим йўқ. Алдасам, уйимдан иккита норасидамни ўлиги чиқсин.

**Иқбол ХУМОЮН**

## ИШ БИЛГУНЧА... ГАП БИЛ

***Чўтбой акани кўпчилик устамон одам деб аташади. Сабаби, Чўтбой аканинг гапдонлиги билан боғлиқ воқеалар жуда кўп.***

Кунларнинг бирида Чўтбой ака қулоғига ўғлининг уйга ширакайф бўлиб келгани-ю, келиннинг нонни шўр, хамирни ачитиб юборганлиги ҳақида "ахборот" етибди.

Тонгда ўғил отага салом бериб, кириб келибди. Чўтбой ака алик олиб, ҳеч нарса билмагандек, ноннинг шўрини, хамирнинг ачиб кетганлигини сезмагандек, иштаҳа билан нонуштани давом эттирибди. Нондан бир бурда оғзига олган ўғил эса афтини бужмайтириб, хотинига ўдағайлабди:

-Ноннинг хамиртуриши ачиб кетибди. Тузни мунча кўп солasan. Қачон рўзғор ишини ўрганасан?

-Ҳой, жим бўл, ўчир овозингни! Нон ҳеч қандай шўр бўлмаган. Хамири ҳам ачимаган. Ўзинг ароқ ичавериб, оғзингнинг мазаси бузилган. Ароқ ичган одамнинг ҳам, ёмон сўз, ғийбат айтган одамнинг ҳам оғзининг таъми бузилади, - дейди Чўтбой ака.

Айни пайтда Чўтбой ака бир ўқ билан, икки эмас, уч қуённи урганди. Биринчиси, ўғилнинг танобини тортиб қўйди. Иккинчиси, "келин нонни шўрроқ" қилибди, деб қайнотага "ахборот" етказган қайнонанинг ҳам хатосини эслатди. Учинчиси, нонни шўр қилиб қўйган, уйидагилар айтмаса ҳам, хижолат бўлиб турган келинга қайнотанинг гапи мойдек ёқди.

Қарангки, ўша воқеадан кейин келин ҳамма жойда қайнотани мақтаб гапирар экан. Қайнона ҳам келинлар хато қилишса, ётиғи билан тушунтирадиган бўлибди. Ўғил эса ичишни бас қилибди.

**Мамадиёр ЗИЁДИНОВ**

## ЧИГАЛ РИШТАЛАР

***Бир пайтлар кўнгил қўйиб, умрбод йўлдош бўлишни ваъда қилган кишиси ташлаб кетгач, Гулбаҳор бор аламини ҳали бир ёшга ҳам тўлмаган ўғлидан ола бошлади. Гўдак йиғласа, кўндириш ўрнига жеркиб ташлар, ҳаммасига бола айбдордек, унга меҳри товланмасди. Тўғри, Гулбаҳор она эди, лекин, айни дамда хўрланган аёл талвасалари...***

Бир куни кўнгил сўраб келган опаси синглисининг муштдек болани туртиб жеркишларидан тепа сочи тикка бўлди. Чунки, унинг ўзига оналик бахти насиб этмаган, тирноққа зор эди. Кўзлари жовдираб, ўз онасидан меҳр топмаётган болакайнинг аҳволини кўриб, чидай олмади... Аввало Гулбаҳорнинг ўзи, кейин қариндошларининг розилиги билан болани ўзига фарзанд қилиб олди. Орадан бироз вақт ўтгач, Гулбаҳор бошқа эркакка турмушга чиқиб кетди.

Шунга ҳам ўн йил бўлибди. Болакай энди мактабда ўқийди. Уни еру кўкка ишонмайдиган онаси, отаси солиҳ фарзанд қилиб тарбияламоқда. Аммо, у ҳали уйларига тез-тез келиб турадиган, совға-салом ширинликлар берадиган холасининг ўз онаси эканлигини билмайди. Фақат ҳар гал ўша "хола"си пана-пана жойда, ҳеч ким йўқ пайтни пойлаб йиғлаб бағрига босишидан ҳайрон бўлади. Бу ҳақда онасига айтмоқчи бўлади-ю, бироқ, нимадир уни ҳар сафар тўхтатиб қолади.

Ким билсин, шўрлик болакай ҳақиқатни билса, қандай аҳволга тушаркин? Аммо, бир нарса аён, у – фарзанд, қандайдир кўзга кўринмас ришта уларни бир-бирига боғлаб туради.

**Барно ХУДОЙБЕРГАНОВА,**
**Қўнғирот тумани.**

# ЗАМОНАМИЗ ҚАҲРАМОНЛАРИ КИМ?

(Боши 1-бетда)

Юртим деб, халқим деб ёниб яшаш эътиқоди замирида муқаддас Ватан олдида фарзандлик бурчини адо этиши билан бирга инсон ўз камолотига, орзусига эришишига имкон борлигини кўҳна тарих аллақачон исботлаган.

Чунки, қудратли ва бой мамлакатнинг фуқароларигина бадавлат ва ҳар томонлама баркамол инсон бўладилар.

Юртни ҳимоялаш, унинг шон-шарафини улуғлаш, иқтисодий жиҳатдан қудратли қилиш сизу биздан Ватанга фидойилик билан хизмат қилишни тақозо этади.

Янгийўл туманида Муҳаммад Қулбаев деган танишим бор. Ширкат хўжалигида пудратчи бўлиб ишлайди. Хўжаликнинг иқтисодий аҳволи ночор. Бунинг оқибатида танишим уч-тўрт ойлаб меҳнат ҳақини ололмайди. Лекин, у бундан тушкунликка тушмайди, кимлар билан дир уришиб жанжаллашмайди. Тонгда белбоғига бир жуфт нонни тугади-да, даласига ишлаш учун кетаверади. Баъзан хотини "Пул бермаса ҳам ишга бораверасизми?!" деб таъна қилиб қолади. Шунда у: "Мен баъзи раҳбарлардан, кундалик турмушимдан норизо бўлишим мумкин, ахир мен ишламасам, бошқалар ҳам ишламаса, юрт хароб бўлади-ку, ахир шу элнинг фарзандиман. Яхши кунлар ҳам келиб қолар, хотин!", деб қўя қолади.

Мана сизга оддий деҳқоннинг содда, аммо, замирида жуда катта маъно ва мазмун мужассам бўлган эътиқодий фалсафаси. Мана шундай инсонларни ўз юртининг ҳақиқий фидойилари десак, асло янглишмаган бўламиз.

Олийгоҳда ўқиб юрганимизда бир домламиз бўлар эди. У ҳозир ҳам бор. Фақат энди у ўқитувчи эмас, тижоратчи. Фан доктори бўлган бу зот ўзи ҳам яхши англаб етмаган фалсафадан сабоқ берар эди. Мамлакатимиз иқтисодиётида бозор тамойиллари шакллана бошлаганда иқтисодий турмуш шароитимизда бироз мураккаб вазиятлар юзага келганини ҳамма яхши билади. Қолаверса, бу инсонларнинг сабр-қаноатини, иймон-эътиқодини, иқтидорини синаш учун ҳам бир давр бўлди.

Юқорида эслаб ўтилган домламиз бу синовнинг илк босқичидаёқ ўттиз йил умрини сарфлаган касбидан воз кечиб, "кафедра"ни пештахтага алмаштирди. Тўғри, ким қандай меҳнат фаолияти билан шуғулланишни ҳеч ким таъқиқламайди. Лекин, ёшларга таълим-тарбия бераётган одамнинг бундай тез ўзгариши ёшлар онгига салбий таъсир қилиши аниқ.

Яна бир қишлоқ ўқитувчисини биламан. Оиласи катта. Болалари ҳали вояга етмаган. Лекин, ишини, ўқувчиларини ниҳоятда севади. Устозлик фаолиятига ниҳоятда масъулият билан ёндошади. Бизнинг уйга ўзига зарур газета ва журналларни сўраб чиққанида, "Ука, бироз қўл калталик қилиб ўзимга керакли газета-журналларга обуна бўлолмадим," деб ҳам қўяди.

Мана шу инсон агар ўқитувчиликдан бошқа касбнинг бошини тутса, эплаб кетиши мумкин. Бунга жисмоний имконияти, қобилияти, иқтидори ҳам етарли. Лекин, бу одам ҳеч қачон бундай қилолмайди. Сабаби, иймони бутун, эътиқоди мустаҳкам ҳалол инсон. Бир кунлик роҳат деб, минг кунлик ибодатидан кечадиганлар хилидан эмас. Шундай инсонлар қўлида тарбия топган болаларга келажакда ҳар қандай ишда таянишимиз ва ишонишимиз мумкин.

Баъзилар бир гапни айтишни хуш кўришади. Яъни: "Ҳар ким ишласа ўзига-да". Тўғри, юқорида таъкидлаганимиздек, ҳар ким аввалambор ўзи учун ишлайди, яшайди. Лекин, шу ўзи учун яшашда ҳам фарқ катта. Қилаётган меҳнатидан ўзгалар ҳам манфаатдор бўлаётганлар бор ва ўзгалар меҳнатидан фақат ўзи учун манфаат қидираётганлар ҳам бор.

Яқинда Қамчиқ довонида бир йўл қурувчи билан учрашиб қолдик. Қурилишда иш кўплиги ва ишчи кучи етишмаганлиги туфайли йигирма кун бўлибди уйига боролмаганлигига.

-Уйни, болаларимни соғиндим,- деди у. -Лекин, ноилож йўлнинг тезроқ битишига бутун мамлакат кўз тикиб турибди. Шу йўл битса, давлатимизнинг иқтисодий салоҳияти ортади. Демак, болаларимнинг келажакда биздан кўра яхшироқ яшашларига имконият яратилади. Шунинг учун менинг бу ерда қилаётган ишим миннатсиз бўлиши керак.

Баъзан "Давримиз қаҳрамонлари ким?", деган саволга жавоб излаймиз. Тўғри маънода юлдузи бор нишондорларни, спортдаги чемпионларни қаҳрамон деб ҳисоблаймиз. Албатта, уларнинг меҳнатини, жасоратини, эришган ютуқларини ҳар қанча таърифласак оз. Лекин, бир нарсани айтишни истар эдик. Яна шундай замонамиз қаҳрамонлари ҳам борки, улар сизу бизнинг орамизда. Лекин, улар ўзларининг камтарона, аммо фидойиларча қилаётган меҳнатлари билан бирданига ялт этиб кўзга ташланавермайдилар. Фақат биз бу инсонлардан ўрнак олишимиз, меҳнатларининг қадрига етишимиз, ўзгаларга ўрнак қилиб кўрсатишни билишимиз керак, холос.

**Абдураззоқ КАРИМОВ**








# "НАВРЎЗ" ТЕРАКЛАРИ

***...1992 йилнинг 27 январи жамоа аъзоларининг ёдидан асло чиқмайди. Худди шу куни мазкур хўжалик ўз фаолиятини бошлаганди. Яхши ният билан "Жамоа хўжалигининг номи "Наврўз" бўлсин, - дейишди йиғилганлар. Наврўз – янги кун демак. Истиқлолимизнинг рамзи бўлиб тарихда қолсин!" деган эзгу тилак мужассам эди бу номда. Мана, орадан тўққиз йил вақт ўтди.***

Чўлни қоқ иккига бўлиб турган кенг асфальт йўл ёқасига экилган терак барглари шабадада канал суви шилдирашига ҳамоҳанг чапак чалади. Бувайда ва Поп туманлари ерларини бир-бирига туташтирувчи бу йўл кета-кетгунча минглаб терак ниҳоллари билан безаниб, ажойиб манзара касб этган. Кўз илғамас уфққа туташ даштда лайлакларнинг "так-так"и баҳор бошланганидан дарак беради. Шу йўлдан икки-уч чақиримча юргач, шинам бир қишлоққа кириб борасиз. Бу – Поп тумани "Наврўз" жамоа хўжалигига қарашли Бекмирзаобод қишлоғи. Турар-жой бинолари, тиббиёт маскани, савдо дўкони, чойхона, нонвойхонага кўзингиз тушади. Бу бинолар олдида кишилар қўлларида белкурак, кетмон – кўчат экиш билан банд. Сал нарида шляпасини бостириб кийган калта курткали қирқ ёшлар чамасидаги йигит қорача, норғул йигитга ниманидир уқдиряпти. Булар шу жамоа бошқаруви раиси Холдорали Қозоқов билан бош ҳосилот Ҳасанбой Ҳамроқуловлар эди.

Раис келганлар билан икки қўллаб сўрашаркан, уларнинг "ишлар қалай, раис?" деб берган саволига "ўртача", дея жавоб қилди сал кулимсираб.

-Холдорвойнинг ишлари йил бўйи "ўртача" бўлади-ю, хирмонга келганда ҳаммани ортда қолдириб кетади, - деди меҳмонлардан бири.

-Теракчиликни қойиллатиб қўйибсиз, ука. Ўн километрча келар, терак ўтқазилган йўлнинг узунаси?

-Йўқ, сал озроқ. Саккиз километр. Йўл бўйига экилганларининг ўзи ўн минг туп, - деди раис.

Эзгу ниятлар билан савобли ишга қўл урилди. Чўлнинг нимаси ёмон? Шамоли! Айниқса, дайди Қўқон шамоли турдими, эҳтиёт бўлмоқ керак. Чунки, у йўлида учраган жонли-жонсиз нарсаларнинг ҳаммасини чирпирак қилиб учириб кетади. Айниқса, янги ниш урган ниҳолларни бир сонияда ер билан яксон этиши, пайкал четларида кичик-кичик барханлар ҳосил қилиши ҳеч гап эмас.

**КЎКАЛАМЗОРЛАШТИРИШ**

Мана шундай шароитда хўжалик бошқаруви ўтказилган теракларни яхши кўкартириш учун ҳар бир пудратчи жамоага ўз ҳудудидаги кўчатларни тақсимлаб берди. Уларни суғориш, ўстиришга масъул кишилар тайинланди. Шу тариқа чўлда тераксорлар барқ уриб, кишилар корига ярайдиган бўлиб қолди. Етилган тераклар кесилиб, дала шийпонлари қурилди. Муҳтож оилаларга уй-жой тиклашга кўмак берилди. Бугунги кунда хўжаликда 22 минг тупдан зиёд терак кўчатлари парваришланмоқда. Йўл четларидан ташқари, қишлоқ хонадонларида ҳам қурилишбоп терак кўчатлари етиштириш йўлга қўйилди. Ҳисоб-китобларга кўра, кесиб ишлатиш мумкин бўлган тераклар 2500 тупга, ёш ниҳоллар эса 29 минг тупга яқинлашиб қолди.

"Наврўз" жорий йилнинг январ ойидан ширкат хўжалиги мақомини олди. 2000 йилда барча кўрсаткичлар бўйича арзигулик муваффақиятларга эришган жамоа аъзолари янги асрнинг биринчи йили ҳосилига мустаҳкам замин ҳозирламоқдалар.

**Т.МАҲКАМОВ**

**СУРАТЛАРДА: қишлоқ оқсоқоли Неъматжон Умаров ёш боғбонлар билан;"Наврўз" қишлоғи манзаралари.**

**ДАВР**

## МАЙСАНИ УВОЛ ҚИЛМАНГ

***Нон - ризқ-рўзимиз. Ноннинг ҳатто увоғини ҳам увол қилмай эъзозлаш кўзга суртиш халқимизга хос фазилат. Таассуфки, нонтепкилик қилиб, кузги ғалла барқ уриб ўсаётган майсазорлар пайҳон этилишига йўл қўяётган кимсалар Навоий вилоятида ҳам учраб турибди.***

Вилоят прокуратураси Президентимизнинг «Экинларни пайҳон қилишга қарши курашни кучайтириш тўғрисида»ги Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг «Экинларни пайҳон қилинишига қарши кураш самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги қарори ижроси юзасидан ҳуқуқ-тартибот идоралари билан ҳамкорликда мунтазам текширишлар ўтказмоқда.

Хатирчи туманидаги «Оқ олтин» ширкат хўжалигида яшовчи Қобил Тўқсоновга тегишли 150 бош қўй-эчки шу хўжаликнинг 5 гектар ва «Мирзо Бобир» фермер хўжалигига қарашли яна 5 гектар ғалла майдонини пайҳон қилиб, 500 минг сўмлик зарар етказгани учун чорва моллари эгасига нисбатан жиноий иш қўзғатилди.

Навбаҳор туманидаги «Навбаҳор» ширкат хўжалиги аъзоси З.Ибрагимовнинг олти бош қорамоли ғалла майдонини пайҳон қилгани, хўжаликка 12 минг сўмлик зарар етказганлиги аниқланиб, ундан ўша зарар ундирилди ҳамда унга нисбатан маъмурий чора белгиланди.

Ўтган вақт мобайнида ғалла майдонларини пайҳон қилинишига йўл қўйган беш мансабдор шахс интизомий, 72 нафар фуқаро маъмурий жавобгарликка тортилди.

**(ЎзА)**

## БУНИ САХОВАТ ДЕЙДИЛАР

***Куни кеча Қумқўрғон туманида яна бир савобли иш амалга оширилди. Тумандаги С.Бойматов номли жамоа хўжалигининг асосий йўли билан "Анвар" деҳқон фермер хўжалиги ерларини боғлаб турувчи икки ярим километрлик эски йўл таъмирлаб бўлинди.***

Бу савобли иш ёш фермер Анваржон Шукуров ташаббуси билан барча харажатларни ўз ҳисобидан қоплаган ҳолда амалга оширилди.

-Шу йўлни таъмирлашни анчадан бери мўлжаллаб юргандим. Мана бугун ўйлаганимни амалга оширишга имконият пайдо бўлди. Бу йўл фермер хўжалигим фаолияти учун ҳам жуда муҳим. Қолаверса, бошқа йўловчилар ҳам мамнуният билан "Умрингдан барака топ" деб дуо қилишмоқда-ки, бунга нима етсин. Худо хоҳласа, яқин келажакда шу масофани асфальтлашни ҳам режалаштириб қўйганман, - дейди ёш фермер.

**Соатмурод ИБРАГИМОВ**

## ЯПОНИЯ СОВҒАСИ

***Охунбобоев туманидаги 11-умумтаълим мактаби ўқувчи ёшлари Наврўз байрами арафасида ўзига хос совға олди.***

Японияning Ўзбекистондаги элчихонасининг ёрдами билан умумий қиймати 39 минг 365 АҚШ долларига тенг замонавий мактаб парталари, стол-стуллар, доскалар, компьютер, принтер, видеомагнитафон, нусха кўчириш аппаратлари ва спорт анжомлари келтирилди.

- Япония гранти асосида яна Олтиариқ, Бешариқ, Фурқат, Бувайда туманларидаги 5 та умумтаълим мактабларига ўқув-техника воситалари олиб берилади, - дейди вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи Муҳаммаджон Хўжаев. - Унга кўра вилоятимиз мактабларининг ўқувчи ёшлари учун жами 167 минг долларлик замонавий ўқув ва спорт жиҳозлари келтирилади.

**(ЎзА)**

# МТПНИНГ КЎЧМА УСТАХОНАЛАРИ

***Муборак туманидаги машина-трактор парки давлат акционерлик жамияти жамоаси бободеҳқонларга яқиндан кўмак бериб келяпти. Туманда 11 минг 50 гектар майдонга ғалла экилган.***

Ғалла ривожи яхши, кўрган одамнинг дили яйрайди. Туманнинг 35 минг тонналик ғалла хирмонига пухта замин қўйиш учун астойдил бел боғлаб меҳнат қилинаяпти.

Пушта олиш, ер текислаш ишлари рисоладагидек амалга оширилди. Бу юмушларга 50 нафарга яқин ҳайдовчи-операторлар жалб этилиб, иш уч сменада ташкил этилди ва ўз вақтида ниҳоясига етказилди.

Ҳозирда МТПда 11 та ғалла ўриш комбайни, 11 та пахта териш машиналари ҳамда 17 та "Магнум" русумли ҳайдов тракторлари бор.

Жамоада баҳорги экиш ишларига ҳам жиддий ҳозирлик кўрилаяпти. Яъни кўчма таъмирловчи жамоа ташкил этилиб, хўжаликларнинг ўз устахоналарида экиш сеялкалари ва чопиқ тракторлари таъмирдан чиқариляпти. Бу ўз навбатида сарф-харажатларнинг иқтисод

**ТАРАДДУД**

қилинишига олиб келмоқда. МТП эса керакли эҳтиёт қисмларни ўз вақтида етказиб бераяпти. Бу ерда таъмирловчи усталар учун бепул иссиқ овқат ташкил этилган. Туманда мавжуд 63 та сеялка сифатли таъмирдан чиқарилиб, мавсумга тайёр қилиб қўйилди. Бу ишларни амалга оширишда Бахтиёр Саидалиев, Бобохўжа Луқмонов, Раҳмат Ўринов каби ишчи-хизматчиларнинг улуши катта бўлди.

-Жамоа аъзоларини ижтимоий жиҳатдан муҳофаза қилишга ҳам жиддий эътибор қаратилмоқда, - дейди жамият раиси М. Луқмонов. - Кам таъминланган оилаларга имкон қадар ёрдам бериляпти. Рўзғор учун ниҳоятда зарур бўлган ёғ ва бошқа маҳсулотлар ҳам тарқатиляпти. Иш ҳақидан ташқари олинган фойда эвазига дивиденд бериляпти. Ўтган йили мижозларга 287 миллион сўмлик хизмат кўрсатилганлиги иқтисодимизни мустаҳкамлади. Бу йил ҳам режаларни муваффақият билан бажаришни, лизинг асосида янги техникалар сотиб олишни ният қилиб қўйганмиз. Бундан ташқари жамият қошида ёрдамчи хўжалик ташкил этиш чораларини кўраяпмиз.

**З.РАҲМАТУЛЛАЕВ,**
**Қашқадарё вилояти.**

# ХАЙРИЯ МАРАФОНИ

***"Оналар ва болалар йили" муносабати билан Самарқанд вилоятида хайрия марафони ўтказилаётгани ҳақида илгари хабар қилган эдик.***

Ана шундай савобталаб тадбирда Ургут туманидаги ташкилотлар, корхоналар, хўжаликлар, тадбиркорлар, фермерлар фаол иштирок этишди. Туман бўйича шу куни марафонга жами 8 миллион сўм маблағ тушди.

**М.ЗИЁДИНОВ**

# ҲАР ДОИМ ЁРДАМГА ШАЙ

***Хоразм вилоятидаги Ғойбу қишлоғидан ўтадиган Урганч-Янгиариқ туманлараро автомобил йўлида йўл-транспорт фалокати содир бўлди. Бу ердаги ширкат хўжалигининг тажрибасиз механизатори йўл қоидасини бузган ҳолда катта йўлни кесиб ўтмоқчи бўлган ва оқибатда «Камаз» машинаси билан тўқнашиб кетган.***

Афсуски, Хоразм вилояти йўлларида бу каби фалокатлар содир бўлиб турибди. Бироқ, ушбу йўл ҳаракати ҳодисаси фавқулодда воқеалар жумласига киради. Гап шундаки, вилоятдаги «Ал-Жасур» фирмасига қарашли бўлган «Камаз» автомашинасига саккиз тонна суюлтирилган кислородли балонлар юкланган эди. Тўқнашув натижасида баллонлар йўлга ва унинг четига сочилиб кетди. Портлаш юз бериб, бу ердан сал нарироқдаги қишлоқ мактабига зарар етиш хавфи юзага келди. Вилоят фавқулодда вазиятлар бошқармасининг авария-қутқарув хизмати ходимлари воқеа содир бўлган жойга тезда етиб келишди. Улар ДАН инспекторлари билан биргаликда йўлдаги ҳаракатни тўхтатиб, мактаб ўқувчилари ва ўқитувчиларини, яқин атрофдаги уйларда истиқомат қилувчи аҳолини хавфсиз жойга кўчирди. Шунингдек, портлашни бартараф этиш чоралари кўрилди.

**ҲОДИСА**

Вилоят фавқулодда вазиятлар хизмати фаолиятидан бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Кўпчилик ҳолларда ҳалокат содир бўлишига кишиларнинг пала-партишлиги, масъулиятсизлиги сабаб бўлаётир.

- Авария-қутқарув хизматимиз мураккаб вазиятларда тезкор чораларни кўриш учун барча зарур анжомлар билан жиҳозланган, -дейди бошқарма бошлиғи, майор Озод Жонибеков. - Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ва вилоят ҳокимлиги бизга мунтазам ёрдам бермоқда.

**(ЎзА)**

# БОЗОРДА НАРХ-НАВО ҚАНДАЙ?

| № | Номи | Тошкент | Андижон | Наманган | Фарғона | Самарқанд | Термиз | Қарши | Бухоро | Навоий | Урганч | Нукус |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1. | Картошка | 105 | 90 | 80 | 78 | 88 | 100 | 65 | 95 | 95 | 105 | 113 |
| 2. | Сабзи | 73 | 40 | 30 | 38 | 65 | 45 | 55 | 65 | 65 | 65 | 68 |
| 3. | Пиёз | 225 | 250 | 230 | 225 | 230 | 300 | 105 | 265 | 270 | 225 | 300 |
| 4. | Бодринг | 700 | 700 | 300 | 900 | 475 | 700 | 500 | 600 | | 550 | 700 |
| 5. | Помидор | 725 | 800 | 700 | 1250 | 525 | 900 | 500 | 850 | | 1000 | 1250 |
| 6. | Гуруч | 310 | 280 | 250 | 260 | 315 | 320 | 250 | 280 | 325 | 255 | 310 |
| 7. | Мол гўшти | 1000 | 900 | 900 | 975 | 925 | 900 | 850 | 800 | 800 | 775 | 800 |
| 8. | Қўй гўшти | 1200 | 1200 | 1200 | 1350 | 1050 | 1200 | 1000 | 750 | 850 | 950 | |
| 9. | Сут (литр) | 100 | 100 | 75 | 90 | 95 | 80 | | 65 | 100 | 75 | 110 |
| 10. | Тухум (дона) | 65 | 42 | 45 | 44 | 38 | 45 | 50 | 39 | 42 | 40 | 47 |

*Ушбу маълумотнома Европа Кенгашининг ТАСИС Программаси доирасида Қишлоқ Хўжалик Маркетинг Информация Системаси ва Эксперементал Қишлоқ хўжалик улгуржи бозори проекти томонидан Республика вилоятларидаги тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда тайёрланган.*

# МАЪНАВИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙЎЛИДА

***Урганч шаҳридаги Огаҳий номли театрда «Авесто»нинг 2700 йиллигига бағишланган адабий-бадиий кеча бўлиб ўтди.***

Бу Хоразм вилоятининг илмий ва ижодий зиёлилари томонидан «Авесто»нинг юбилейига тайёргарлик доирасида ишлаб чиқилган «Авесто ва ёшлар» махсус дастурининг биринчи тадбиридир.

**«АВЕСТО»НИНГ 2700 ЙИЛЛИГИГА**

Кечада Урганч шаҳридаги олий ўқув юртлари талабалари, мактаб ўқувчилари иштирок этди. Улар викторинада қатнашиб, «Авесто» асосида театрлаштирилган томоша намойиш қилишди.

- Биз ёшларни аждодларимиз маънавий бойлигининг ноёб хазинаси бўлган «Авесто» асари билан таништиришга, уларда минг йил илгари ушбу тўплам яратилган ўз жонажон ўлкаси учун фахрланиш туйғусини сингдиришга интилмоқдамиз, - дейди «Авесто ва ёшлар» дастури ташаббускорларидан бири, хоразмлик шоир ва драматург Неъмат Салаев.

Бундай кечаларни вилоятнинг барча шаҳар ва туманларида ўтказиш кўзда тутилган.

**(ЎзА)**

# ЭМАС ОСОН БУ МАЙДОН ИЧРА ТУРМОҚ...

(Боши 1-бетда)

Мен сизларга ўзларингиз ўзларингизни боқиб олинг, деяпман.

Шунга шароит яратяпман. Фермер бўламан, деган одамларнинг таъсис ҳужжатларини олиб, ўзим идорама-идора югураман. Сиздан сўрайдиганим фақат битта - ишланг!

Дастлаб, 21 фермер хўжалиги тузилиб, жами ер майдони шуларга бўлиб берилди. Табиийки, янги тузилган фермер хўжаликлари собиқ хўжаликнинг қарзларига масъул эмас, қолаверса, улар бир неча йилга турли солиқ ва йиғимлардан ҳам озод қилинган. Бу эса хўжаликнинг молиявий мажбуриятлари юки енгиллашувига олиб келди.

Келаси йили фермер хўжаликлари сони 31 тага етказилди. Ери озроқ камайган фермернинг ишни бошқарувидаги унум ҳам ошди. Ўтган йили эса фермер хўжаликларининг ер майдони энг оптимал шароитга келтирилди - 70 гектарлик битта пайкал битта фермерга берилди. Фермер хўжаликлари сони 61 тага етди. Энди фермер, керак бўлса, ҳар бир кўчат учун жавоб бера олади.

- 1998 йили ҳам шунча фермер хўжалиги тузишимиз мумкин эди. Лекин ўшанда одамларнинг бунга ишонмаслиги панд берди, - дейди Ҳайдар ака. - Энди эса мен ҳам фермер бўламан, деганнинг саноғи йўқ. Лекин, менимча, чўл шароитида фермер хўжаликларининг ер майдони бундан ҳам камайиши ўзини оқламайди.

## ТЕХНИКАНИ ҚАНДАЙ ИШЛАТАМИЗ?

Чўлда ерни бўлиб бериш осон, чунки у кўп. Бор техникани бўлиб бериш эса қийин, чунки у жуда оз.

Лекин қуруқ қўл билан етмиш гектар ерни барибир ишлатиб бўлмайди. Техника керак. Энди иш бошлаган фермерда эса уни олишга маблағ йўқ. Қолаверса, қолган-қутган техниканинг сифати ҳам инқадар. Мол аччиғи - жон аччиғи, дейдилар, қишлоқ аҳли мен яхшироғини олай, деган адоқсиз жанжалнинг тагида қолиб кетиши мумкин. Шунда фермерлар йиғилиб, ҳозирча техникани бўлиб бериш мумкин эмас, деган қарорга келишди.

Бор техника устахонага йиғиб келинди, икки-учтасидан битта дурустроғи ясалди. Улар фермернинг буюртмасига биноан ишлайдиган бўлди. Ёнидан пул тўлаётган фермер эса техниканинг бекор туриб қолишига йўл қўймади, натижада, ёқилғи ва эҳтиёт қисмлар сарфи камайиб, иш унуми ортди.

Техниканинг эскилиги барибир анча вақт панд бериб турди. Ямаб-ясқаганинг билан ишнинг айни қизиган пайти бузилиб қолаверади. Ишонч билан ишлатиш мумкин бўлган тракторлардан, ҳеч бўлмаса, икки-учта керак эди. Шунда Ҳайдар ака фермерларни яна уюшмага йиғди. Айтдики, уч-тўрт фермернинг номига кредит олиб, бир нечта трактор сотиб олсак, кейин уларни бирга ишлатсак, кредитни ҳам биргаликда қайтарсак.

Ўтган йили минг азоб билан кредит олинди, тракторлар ҳам келди. Ҳамманинг даласида ишлади. Ғалла яхши битиб, фермерларнинг ҳисоб рақамида пул пайдо бўлгач, кредитни қайтариш учун банкдагиларга, энди берган кредитларингизни қайтариб олсангиз, биз узоқ вақт қарз бўлиб юришни истамаймиз, дейишди. Дунёнинг тескарилигини кўрингки, банк қарзини қайтариб олишни истамаяпти. Уларга пулнинг ўз вақтида қайтгани эмас, фермерларнинг қарздор бўлиб юриши маъқулроқ, шекилли. Энди яна қарзга техника олайлик, дейилса, бунга рози бўладиган фермер йўқ. Бошқалар учун қарз бўлиб юришни ҳеч ким истамаяпти.

## БОШҚАРУВ

- Илгари идорадан ташқарига чиқолмас эдим, илтимосчиларнинг кўнглини топиш билан куним ўтиб кетарди, - дейди Ҳайдар ака. -Ҳозир уюшма идорасида ҳисобчилардан бошқа ҳеч ким йўқ. Менинг асосий иш жойим марказий устахона бўлиб қолган. Чунки ишлаб чиқаришга боғлиқ бўлган ҳамма муаммони фермерларнинг ўзлари ҳал қилади. Ечиш уларнинг қўлидан келмайдиган ягона муаммо бу -техника. Улар бир кишининг ихтиёрида бўлиши лозим. Буюртмаларни кўриб чиқиб, кимга ўта зарур бўлса, техникани шунинг даласига юбораман. Вақтини белгилайман. Техника олдиндан тузилган режа асосида тақсимлангани учун бошқа ишларни ҳам шу ерда режалаштириб олиш қулайроқ бўлиб қолди.

Аслида, ҳозир ҳар бир фермер мутлақо мустақил фаолият кўрсатмоқда. Уюшма эса ўғитнинг марказлаштирилган тарзда ташиб келтирилиши ва тарқатилиши, техника таъминоти масалаларинигина ҳал этмоқда. Яъни, уюшма фермерлар устидан ҳукмрон бўлган идорага эмас, уларнинг ёрдамчисига айланди. Ишлаб чиқаришдан бўлак барча бошоғриқ масалалар - қоғозбозлик, мажлисбозлик уюшма раҳбарияти зиммасида. Қишлоқнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши йўлида фермерларнинг бошини қовуштириб туриш ҳам. Уларнинг ҳисоб-китобларига ёрдам бериш ҳам.

- Юртбошимиз ҳар ким ўзининг ишини қилиши керак, деб кўп такрорлайдилар, - дейди Ҳайдар ака. - Бу гапнинг жонли исботини, мана, бизнинг фаолиятимизда кўриш мумкин. Фермер нима қилсин - уруғлик қидирсинми, олиб келсинми, ўғит топсинми, уни сақлашга жой ҳозирласинми, техникага эҳтиёт қисм излаб чопсинми, банкдан қарз сўраб югурсинми, турли мажлисларда ўтирсинми?.. Аслида, фермерга хизмат кўрсатадиган бутун бошли сервис тармоғи пайдо бўлиши керак. Биров техника масаласини, бошқаси ўғитни, яна бири агрономия хизматини, кимдир химикатлар масаласини ҳал этишни зиммасига олсин. Шунда фермернинг турли ортиқча ташвишлардан боши оғримайди, унинг диққат-эътибори маҳсулот етиштиришга жалб бўлади. Табиийки, хизмат кўрсатувчилар ҳам қуруқ қолмайди. Ҳозирча бу ишларнинг барчасини уюшма раҳбарияти бажармоқда. Профессионал сервис хизматининг пайдо бўлиши ишларнинг сифати бир неча баробар ортишига сабаб бўлиши мумкин. Оқибатда, фермер ҳам, давлат ҳам фойда кўради.

## НАТИЖАЛАР ҚАНДАЙ БЎЛЯПТИ?

1999 пахта ва ғалла бўйича давлат буюртмаси ортиғи билан бажарилди. Биринчи марта деҳқонларнинг қўли пул кўрди. 2000 йили ҳам ғалладан мўл ҳосил олинди. Ғалла ҳосилдорлиги гектарига ўртача 34 центнерга етди. Режадан ошириб давлатга яна минг тонна ғалла сотилди. Нафақат фермерлар, балки ҳар бир ишловчининг хонадонига бир ярим-икки тоннадан ғалла тушди.

Афсуски, ўтган йилги сув танқислиги пахтадан кўзланган ҳосил олинишига имкон бермади. Лекин хўжалик юритишнинг янги шаклига ўтилгани сабабли кўрилган зарар унчалик катта бўлгани йўқ, аниқроғи, олинмай қолган фойда ҳақидагина гапириш мумкин, холос. Лекин шунинг ўзи ҳам деҳқонга фермерликнинг фойдасини яққол исботлаб берди.

Муҳими, пахтазорлик деҳқону фермерлар фойда билан зиённи ҳисоблаб чиқишни ўрганиб олди. Масалан, бу йил ерни текислашга алоҳида эътибор берилди. Ҳисоблаб кўришса, етмиш гектарлик битта пайкал, ернинг нотекислиги туфайли, ўн битта ўқариқ ўтказилар экан. Бу бир пайкалда қўшимча уч гектар ер дегани. Шунингдек, фермерларнинг ҳаммаси келишиб, полиз учун ажратиладиган бир-икки гектар ерга ҳам ғалла ва пахта экишга аҳд қилишди. Буям юз-икки юз гектар ер қўшилади демакдир.

«Пахтазор»да ғаллани пайҳон қилиш, буғдойни ўғирлаш деган гап мутлақо йўқ. Авваламбор, ҳеч ким ўзиникини пайҳон қилмайди ёки ўғирламайди. Қолаверса, давлат буюртмасидан ошиқча ҳосилнинг ўз уйидаги омборга келиб тушишига кафолат бор.

Шу ўринда айтиб ўтиш керакки, ғалла ўримини бу тахлит ташкил этишдан, айниқса, милиционерлар мамнун бўлишмоқда. Ахир, уларга ёзнинг иссиғида чангга беланиб, далада юришга ҳожат қолмади-да. Кузда ҳам уйма-уй юриб теримга чиқ, дейиш йўқ. Одамларнинг ўзи ёпирилиб далага чиқмоқда. Чунки теримчига мўмайгина ҳақ тўланади.

## ФЕРМЕРНИНГ ЎЗИ НИМА ДЕЙДИ?

- Менинг 70 гектар ерим бор, ҳар йили шунинг ярмига пахта, ярмига ғалла экаман, - дейди «Дўстық» фермер хўжалиги раҳбари Адине Ахипов. - Ўтган йили пахта бўйича ҳам, ғалла бўйича ҳам давлат буюртмасини ошириб бажардим. Пахтадан 901 минг, ғалладан 484 минг сўм фойда қилдим. Лекин бой бўлиб кетибди, деманг. Аввалгилардан яхшироқ яшаётганимизга шукур қиляпмиз, холос.

Масалан, ўтган йилни олинг. Сув танқис бўлиб, кўп ерда ғалла битмади. Раҳбарлар айтдики, сизларда ғалла бор, вилоят ҳам давлат буюртмасини бажарсин, қўшимча топширинглар. Майли дедик, уюшмамиз бўйича минг тоннадан зиёд қўшимча ғалла топширдик. Лекин унга ҳам давлат буюртмаси баҳосида ҳақ тўлашди. Ахир, буюртмага қўшимча топширганимиздан кейин шартнома нархида ҳақ тўлашмайдими?! Ўша минг тонна ғалла уюшма ҳисобида турганида ҳозир унинг пулига беш-олтита трактор олардик, бу йилги ҳосил яна кўпаярди. Яъни, давлат ҳам, биз ҳам зарар кўряпмиз.

- Ҳаммаси яхши, лекин бизнинг банкларга эътирозимиз бор, -деб гапга аралашди «Мулла булоқ» фермер хўжалиги раҳбари Икром Солиев. - Боя ўзингиз эшитдингиз, банкларга қарзингни қайтарайлик, десак, олишмаяпти. Бунинг устига, банкдагилар бизнинг пулимизга ўзларича хўжайинлик қилишади. Ҳисобимизда турган пулни бизга хабар бермасдан бирон тарафга ўтказиб юбораверади. Ўтган йили Янгийўлдаги ёғ заводига чигит топширган эдим. Уни қайта ишлашга зарур бўлган пулни олдиндан ўтказишимни талаб қилишди. Банкага келиб, шу ерга пулимни ўтказиб беринглар, десам, пулинг йўқ, дейишди. Схема бўйича бошқа ёққа ўтказиб юборган экан. Ҳисобимга яна пул келиб тушгунича, ёғ заводи лимитингнинг вақти ўтиб кетди, деб ёғ бермай қўйди. Чигитга куйдим.

- Бизга қўлимизни боғлаб қўйиб, ишла, атрофдагиларга ёрдам бер, дейишаяпти - деди куйиниб Ҳайдар ака. - Ўтган йили мактабга ёрдам берайлик, деб келишдик, туман ҳокимлиги ҳам бу фикримизни маъқуллади, вилоятдагилар ҳам чапак чалишди, хуллас, икки миллион сўмга ўқувчиларга дарслик олиб берадиган бўлдик. Лекин пулни мактабга ўтказишнинг иложи бўлмади. Мумкин эмасмиш. Банкирларнинг баҳонасини, ўқитувчиларнинг илтимосини эшитавериб, чарчадик.

## ХОТИМА

Мен бўлажак мақоламнинг хотимаси фермерлик тизимининг афзалликлари ҳақида бўлишини тасаввур қилардим. Шундай гапни фермерларнинг ўзидан эшитмоқчи бўлдим. Икром ака билан Адине кўке қишнинг совуғида ҳамма биладиган гапни - фермерликнинг афзаллигини суриштириб, дала кезиб юрган журналистга бироз ҳайрон қарашди-да, шуларни бир қоғозга ёзиб берсак, майлими, дейишди. Кейин меҳнатда қаварган қўлларига қоғоз-қалам олиб, ҳафсала билан икки қоғозни тўлдиришди. Мен улардан биттасини келтириш билан чеклансам:

«Фермер хўжаликлари раҳбарларига иш юритиш, ҳисоб-китоб учун ёрдам берадиган қўлланмалар, қисқа муддатли ўқув курслари ташкил қилинса, яхши бўларди.»

Бу таклифдан англадимки, бугун фермерни маблағ ва техникадан ҳам кўпроқ иш юритишнинг янгича тартибларини билмаслик қийнаётган экан.

Олимларимиз, мутахассислар далага чиқиб, фермерлар билан гаплашиб, қўлланмалар тузишса, уларнинг иши юришиб кетар, барчамизнинг дастурхонимизга барака кирар экан.

**Мусулмон НАМОЗ,**
**ЎзА мухбири.**

# ЕТТИ ИҚЛИМДАН БИР ШИНГИЛ

## ТАНК ВА РАКЕТАЛАРДАН ФОЙДАЛАНИЛМОҚДА

***Би-Би-Си жаҳон хизматининг хабар беришича, Толибон ҳаракати мамлакатдаги ноисломий ҳайкалларнинг йўқотишни Будданинг қояга ўйиб ишланган дунёдаги энг ноёб ва қимматбаҳо иккита тимсолини бузишдан бошлади.***

Шу кунга қадар тарихий бойликлар учдан икки қисмининг кули кўкка совурилди. Улар бу хилдаги ишларни бажаришда танклар ва ракеталардан ҳам фойдаланмоқдалар. Маданият ва ахборот вазири Қудратилло Жамолнинг айтишича, Ҳирот, Ҳазни, Қобул, Жалолобод вилоятларидаги ҳайкаллар лойдан ясалганлиги боис, вайрон этиш осон кечмоқда.

БМТ томонидан Афғонистонга юборилган махсус вакил Франсеск Вендрелл ҳам толибларни номақбул ҳаракатдан қайтара олмади. БМТдаги толибон вакили Саид Раҳматилло Хошимий эса ушбу ҳаракат 1992 йили Ҳиндистондаги қадимий масжиднинг бузилишига муносиб жавоб бўлади, дея фикр билдирди.

## ЧЕЧЕНИСТОН МАСАЛАСИ

***Москвага ташриф буюрган Оврупо Кенгашининг инсон ҳуқуқлари бўйича комиссари Альваро Хиль-Роблес Россия ташқи ишлар вазири Игор Иванов билан учрашди.***

Бўлиб ўтган музокара чоғида комиссар Чеченистондаги ижтимоий аҳволни яхшилаш ва инсон ҳуқуқларига риоя этиш бўйича ўз таклифларини айтди. Эндиликда у жаҳон мамлакатларидан Чеченистонга берилаётган инсонпарварлик ёрдамларининг ҳажмини янада кенгайтиришларини сўрайди, дея хабар беради "Новости" ахборот маҳкамаси.

## ЧОРВА МОЛЛАРИДА ЮҚУМЛИ КАСАЛЛИК

***Белгия қишлоқ хўжалиги вазирлиги мамлакат шимолида ҳайвонларда кам учрайдиган юқумли касаллик топилганлиги ҳақида баёнот берган эди.***

Айни пайтда ҳукумат ушбу оқсил хасталигининг кенг тарқалмаслиги учун бор чора-тадбирларни кўрмоқда, дея хабар берди Франс-Пресс агентлиги. Ўз навбатида қўшни давлат бўлмиш Франция эса бундай хавфни чегарадан ўтказмаслик учун қаттиқ курашмоқда ва Белгиядан чорва моллари ҳамда гўшт маҳсулотларини сотиб олишни тўхтатиб қўйди.

## СОБИҚ РАҲБАР СУДЛАНАДИ

***Перу Олий суди собиқ президент Альберто Фухимори раҳбарлик фаолияти давомида ноқонуний ишлар билан шуғулланганлиги учун унинг устидан суд жараёнини бошлаш тўғрисида қарор қабул қилди.***

Қарорга биноан ҳозирда Японияда яшаётган А.Фухимори ўз хоҳиши билан суд маҳкамасига келмаса, у ҳолда куч ишлатишга тўғри келади. Олий суд раиси Мигел Кастанединнинг айтишича, бордию бу борада Япония томони тўсқинлик қилса, икки давлат ўртасидаги муносабатларга совуқлик тушиши мумкин.

**Молиявий Янгиликлар Агентлиги**
**"Виртуал кутубхонаси" билан**
**ҳамкорликда тайёрланди.**

# ДЕҲҚОНОБОД ЯЙЛОВЛАРИДА



***Бу йилги қишлов мавсуми Деҳқонобод тумани чорвадорлари учун ҳам ниҳоятда масъулиятли кечди. Бултурги қурғоқчилик туфайли баҳордаёқ яйловларда ўт-ўланлар қовжираб қолган эди.***

Бунинг устига, лалмикор майдонларда арпа, буғдой ва сомон жуда кам бўлди. Оқибатда чўпонлар қишга етарли ем-хашак жамғариш чоғида анча қийинчиликларга дуч келишди. Аммо нима бўлганда ҳам иложини топиб чорвани қишловдан талафотсиз олиб чиқиш зарур эди. Тумандаги барча чўпонлару, мутасадди раҳбарлар бу борада ўзаро ҳамжиҳатлик билан зарур чора-тадбирларни амалга оширишди.

**ҚОРАКЎЛЧИЛИК**

-Хўжалигимизда 8685 бош чорвамиз бор, - дейди тумандаги "Деҳқонобод" ширкат хўжалиги раиси Жуманазар Жўраев. – Уларни қишловдан чиқитсиз олиб чиқиш учун вилоятимизнинг Китоб, Яккабоғ туманлари ва ҳатто, қўшни Самарқанд ҳамда Жиззах вилоятларидан ҳам ем-хашак ташиб келтиришимизга тўғри келди. Ана шундай саъй-ҳаракатлар натижасида қишловни ортиқча талафотларсиз ўтказишга эришдик.

Энди буёғи баҳор. Деҳқонобод яйловларида ҳам яна ўт-ўланлар ниш уриб қолди. Демак, чўпонларнинг қийин кунлари ортда қолди. Шу билан бирга, улар яна бир масъулиятли мавсум – қўзилатиш мавсуми арафасида туришибди. Деҳқонободлик чорвадорлар уни ҳам уюшқоқлик билан ўтказиш учун барча зарур тадбирларни кўриб қўйишган.

**Абдурасул ПАРДАЕВ.**



**СУРАТЛАРДА: "Деҳқонобод" ширкат хўжалиги раиси Ж.Жўраев (ўртада) хўжалик бош чўпони Тожибой Бойқувватов ҳамда Рўзиқул бобо Бойқувватовлар билан кейинги режалар ҳақида суҳбатлашмоқда; хўжалик яйловларида.**

Муаллиф олган суратлар.

**ЛУҚМА**

## ХИЗМАТЛАРИ ЎЛДА-ЖЎЛДА

***1998 йил бошида биргина Зарбдор туманида 80 та маиший хизмат шохобчаси рўйхатдан ўтиб, шулардан 60 таси хизмат гувоҳномалари олишди ва хизмат кўрсатишнинг деярли барча турларини ташкил этишди.***

Йил охирига келиб фаолият кўрсатаётган шохобчалар сони 30 тага тушиб қолди. 1998 йил давомида туманда аҳоли жон бошига сартарошлар 92 сўмдан, бошқалари эса 15,5 сўмдан хизмат кўрсатдилар. Бу – вилоят кўрсаткичининг ярмидан ҳам пастроқ эди. Негаки, талабчанлик сусайди. 2000 йил охиридаги аҳволнинг қандай эканлигини билишни истайсизми?! Марҳамат!

Туман бўйича замонавий лойиҳада қурилган 6 та маиший хизмат уйлари бўлиб, 2 таси туман уюшмаси тасаррруфида, 4 таси эса хўжаликлар ҳисобида турса-да, ҳозирги пайтда уларнинг атиги 3 тасидан фойдаланилаяпти, холос. Туманнинг "Истиқлол", ижара ширкатлари уюшмасида жойлашган ҳашаматли маиший хизмат уйи эса хусусийлаштирилиб, уй-жой сифатида бериб юборилган.

Хуллас, ана шу камчиликлар туфайли ўтган йили туманда аҳоли жон бошига атиги 22 сўмдан маиший хизмат кўрсатилди.

Туман маиший хизмат уюшмаси бошқарувида олти киши ишлайди. Агар улар ойига 10 минг сўмдан маош олсалар, камида 60 минг сўм тушум бўлиши керак. Бунга нафақа жамғармаси, солиқ назорати ва бошқа мақсадлар учун ўтказиладиган маблағлар ҳам қўшиладиган бўлса... Қолган ҳисоб-китобларни Зарбдор туман ҳокимлиги билмаса, биз билолмадик.

**Келдиёр ЖЎРАҚУЛОВ.**

# ҲАМ ҲАҚ, ҲАМ НОҲАҚ ДАЪВОГАРЛАР

(Боши 1-бетда)

Магазин беш миллион сўмдан сал кўпроқ нархда баҳоланди. Универсам жамоаси ўз зиммасига ушбу суммани йил давомида тўлаш мажбуриятини олди.

Орадан бир йил ўтгач, универсам жамоаси қарзини қисман тўлади ва олди-сотди шартномаси муддатини уч йилга узайтириш илтимоси билан мурожаат этди. СИЖК бу гал ҳам универсам жамоаси илтимосини қондирди. Эндиликда универсам «Сафо-Марва» жамоа корхонаси деб аталмоқда. Унинг қарзи 2,5 миллион сўмни ташкил этади.

Можаро ана шу пайтдан бошланди. «Сафо-Марва» жамоаси бирданига ўз мажбуриятидан бош тортиб, магазиннинг дастлабки қиймати ошириб кўрсатилган, деб туриб олди. Шу асосда Наманган СИЖК олдида ҳеч қандай қарзи қолмаганини эълон қилди.

Икки томон ўртасидаги ўзаро даъволарни турли идоралар бир неча бор кўриб чиқди. Дастлаб Наманган СИЖК даъвоси кўриб чиқилди. Наманган вилоят хўжалик суди қабул қилган қарордан қаноатланмаган СИЖК ходимлари 1998 йил охирида республика олий хўжалик судига мурожаат қилди. 1998 йил 23 декабрда суд ҳайъати муаммони даъвогар фойдасига ҳал этди. Наманган вилоят хўжалик судининг аввалги қарорлари бекор қилиниб, судга «Сафо-Марва»-нинг йиллик қарзини Наманган СИЖК фойдасига ундириб бериш вазифаси топширилди. Олий хўжалик судининг ушбу қарори ижроси номаълум сабабларга кўра чўзилиб кетди. У фақат орадан ярим йил ўтгач - 1999 йил июнида бажарилди. Ўшанда «Сафо-Марва» СИЖК ҳисоб рақамига бир миллион сўмга яқин маблағ ўтказди.

Энди эса мазкур қарор корхона жамоасини қондирмай қолди. «Сафо-Марва» раҳбарияти турли суд органларига даъво аризалари билан мурожаат этмоқда. Наманган ва Андижон хўжалик судларида ҳам мазкур иш яна кўриб чиқилмоқда.

Ниҳоят, Андижон вилоят хўжалик суди ҳам Наманган СИЖК фойдасига қарор қабул қилди. Натижадан қаноатланмаган «Сафо-Марва» раҳбарияти олий хўжалик судига мурожаат этди. 1999 йилнинг 23 июнида навбатдаги суд ҳайъати эндиликда «Сафо-Марва» жамоа корхонаси даъвосини адолатли деб топди. Бу ўринда олий хўжалик судининг айнан шу иш юзасидан 1998 йилнинг декабр ойида қабул қилган қарори ҳақида эслатиб ҳам ўтилмади. Орадан бир оз вақт ўтгач, Наманган СИЖК ҳисоб рақамига ўтказилган маблағ аввалги эгасига - «Сафо-Марва» корхонасига қайтарилди.

Мана шундай ғаройиб воқеалар. Юқори суд органи ўзининг аввалги қарорини бекор қилмаган ҳолда мутлақо унинг акси бўлган қарор қабул қилди. Биз атайлаб неча йилдан буён мунозара қилаётган томонларнинг биронтасини ёқламаяпмиз. Зеро, ҳуқуқшунослик борасидаги билимимиз шу касб усталари даражасида эмаслигини тан оламиз. Бироқ ўз соҳасининг билимдонлари саналган судяларнинг жиддий масалада бир тўхтамга кела олмаётгани ҳайрон қолдиради. Вазият шундайки, гўёки даъволашаётган ҳар икки томон бир пайтнинг ўзида ҳам ҳақ, ҳам ноҳақ. Ахир, бундай бўлиши мумкин эмас-ку?!

**(ЎзА)**

**ЯХШИ ХАБАР**

***Бухоро тумани Бухоро вилоятида ҳар бир жабҳада қўлга киритаётган ютуқлари билан алоҳида ажралиб туради.***

## БУНЁДКОРЛИК-ЗАМОН ТАЛАБИ

Шуни таъкидлаш лозимки,тумандаги "Агромашсервисқурилиш" очиқ турдаги акциядорлик жамияти бултур туманда, шунингдек Бухоро шаҳрида 119 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажарди. Жумладан Бухорои Шарифнинг Навоий шоҳ кўчасида қад ростлаган 32 квартирали уй-жой биноси фойдаланишга шай турибди. Бу корхона айни пайтда Галаосиё шаҳрида янги пахта тозалаш заводи қурилишида фаол қатнашмоқда.

**"Туркистон-пресс"**

# ОҚИЛ ЁШЛАР ЭЗГУЛИККА БОШЛАР

***-Бобом Бердирасул 1941 йил урушга кетганида отам 3 ёшли гўдак қолган экан. Бобом ўша кетганларича урушдан қайтмабдилар.***

Бувим (қишлоқдагилар у кишини Қизмон момо дейишади) шундан кейин бошқа турмуш қурмабдилар. Отамни – ёлғиз фарзандини ўкситмаслик, дилини оғритмаслик, бошқаларнинг миннатига дучор қилмаслик учун шундай йўл тутганлар. Бошқача айтганда, ўша оғир, алғов-далғов, суронли йилларда бувимнинг қалбидаги ўзбек аёлига хос ғурур ва шижоат ана шундай жасоратга даъват этган.

Отам ҳам бувимнинг ишончини оқлади. Нафақага чиққунча жамоа хўжалигида оддий деҳқон бўлиб меҳнат қилди. Оиладаги 9 нафар фарзанди – 8 қиз ва бир ўғилни меҳнатсевар қилиб тарбиялади, мўмин қобил қилиб вояга етказди.

Ҳозирги кунда опаларим турмушга чиқишиб, ўзларидан тинчишган.

Юқорида ҳикоя қилганим 85 ёшли бувим, ота-онам, синглим, мен, турмуш-ўртоғим ва жажжи ўғилчам бир оиламиз, бир қозондан овқат еймиз. Бувим, ота-онам қарилик нафақасида. Отамнинг насиҳатига амал қилиб, хўжаликдан 10 гектар ер олиб, фермер хўжалиги ташкил қилганимга роппа-роса уч йил бўлди. Ҳозирга қадар мазкур хўжаликда жами 10 нафар киши меҳнат қилмоқда.

Юртбошимизнинг ёшлар ҳақида куюниб айтган сўзларидан таъсирланиб, дилимдаги бу гапларни қоғозга туширяпман. Кўча чангитиб юрган, турли оқимларга қўшилиб, жиноят кўчасига кириб қолаётган, ичкиликка, гиёҳвандликка ружу қўйиб, ёш умрларини хазон қилаётган баъзи тенгдошларимга ибрат бўлиши учун ўз ҳаётимдан мисол келтирдим.

Менинг тенгқур дўстларим! Мен бирор жиддий ишга қўл урганимда қийналиб қолсам, ишим олдинга силжимаса, ўтмишда бундан ҳам қийин бўлган-ку, деган фикр-ўй кечади хаёлимдан. Ёки бобом урушга кетиб, қайтмаганида, ёлғиз фарзанди бўлган отамни очарчилик йилларида бировга зориқтирмаган, бевалик, йўқчиллик азобларига сабр-тоқат билан чидаган бувижонимнинг метин иродаси ёдимга тушади. Кучимга куч, ғайратимга ғайрат қўшилади.

Тўғри, ўтиш даври бўлганлиги учун қийинчиликлар, муаммолар бор. Айрим "қотиб" қолган тўралар бизга йўл бермасликка интилишяпти. Лекин, бургага аччиқ қилиб, кўрпага ўт қўймайлик. Уларга зарда қилманг! Аксинча, ҳалол меҳнат қилинг. Энди замон ёшларники! Элсевар юртбошимиз ахир биз учун – келажак эгалари учун жон куйдиряпти-ку!

Яна бир гап. "Камолот" ёшлар жамғармаси шу пайтгача ишончни тўла оқлаёлмади. Энди эса шижоатли, ғайратли ёшларни бирлаштирадиган, айни пайтда йўлдан адашганларни тарбиялайдиган авлод ҳаракати кераклигини замоннинг ўзи тақозо қилмоқда.

Ўйлайманки, юртбошимизнинг ташаббуси билан ана шундай ҳаракатга асос солингани ёшларимиз ҳаётида ўзига хос бурилиш бўлди. Зеро, ёшлари бирдамликка интилган юртда тараққиёт ҳам, осойишталик ҳам, хайр-барака ҳам бўлиши шубҳасиздир.

**Назир БЕРДИРАСУЛОВ,**
**Иштихон туманидаги**
**"Назир Бердирасулов"**
**фермер хўжалиги раиси.**

# ИНСОН ҲУҚУҚИ БИЛАН МУҲТАРАМ

***АҚШ давлат департаментида инсон ҳуқуқлари бўйича йиллик ҳисобот тайёрлаш ва уни мамлакат конгрессига юбориш одат тусига кириб қолган.***

Бундай тамойил 1977 йилдан буён давом этиб келмоқда. Ана шундай ҳисоботнинг навбатдаги - йигирма бешинчиси чоп этилиб, яқинда конгрессга жўнатилди. Унда жаҳоннинг 195 давлатида ҳукм сураётган шахсий, фуқаролик, сиёсий ҳамда меҳнат ҳуқуқлари батафсил таҳлил этилди.

**ХАЛҚАРО ШАРҲ**

Ҳисоботга муқаддима тариқасида ёзилган АҚШ давлат котиби Колин Пауэлнинг матнида ўтган 2000 йилда инсон ҳуқуқлари мазмун ва моҳият жиҳатидан бир қадар ижобий томонга ўзгарганлиги қайд этилди. Демократия тамойиллари ҳамда инсон ҳуқуқларини такомиллаштириш борасида сўз юритилар экан, бу борадаги ишларни муваффақиятли амалга ошираётган мамлакатлар орасида Ўзбекистонимизнинг борлиги ҳам кишида фахр уйғотади.

Ҳисоботда ҳамон баъзи давлатларда инсон ҳуқуқлари тамойилларига тўлиқ амал қилинмаётган минтақалар хусусида таассуф билдирилди. Хусусан, Хитой, Куба, Ироқ, Судан сингари мамлакатларда инсон ҳуқуқлари борасидаги вазият талабларга тўлиқ жавоб бермаётганлиги қайд этилди. АҚШ давлат котибининг демократия, инсон ҳуқуқлари ва меҳнат бўйича ёрдамчиси вазифасини адо этувчи Майкл Пармли оммавий ахборот воситалари олдида сўзга чиқиб, инсон ҳуқуқлари масаласи БМТ инсон ҳуқуқлари бўйича комиссиясининг шу йил бўладиган Женевадаги 57-сессияси кун тартибига киритилажаклигини маълум қилди. Қолган вақт ичида биз мазкур масалани обдон ўрганиб чиқиб, жаҳон афкор оммаси эътиборига ҳавола этишимиз лозим, деди у. Шу боис қолган вақт ичида Озарбайжон, Камерун, Ҳиндистон, Сальвадор, Жанубий Корея, Венгрия, Бирма, Гвинея ҳамда Нигерия каби мамлакатлардаги инсон ҳуқуқларига доир муаммолар бўйича биз кенг қамровли ва батафсил маслаҳатлар беришимиз мақсадга мувофиқ бўлади.

АҚШ давлат департаментининг навбатдаги йиллик ҳисоботи шу тариқа ўзига хос алоҳида фикр-мушоҳадалар уйғотди. Жаҳон оммавий ахборот воситалари шарҳчиларининг гапларига қараганда, Женевада бўладиган БМТнинг инсон ҳуқуқлари комиссиясининг 57-сессиясида жаҳон жамоатчилиги ўзини қизиқтирган қатор саволларга аниқ-равшан жавоблар олиши мумкин.

**Р.УМАРОВ,**
**халқаро шарҳловчи.**

## Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

**Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2001 йил 6 мартдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)**

| | | | |
|---|---|---|---|
| 1Австралия доллари | 176,95 | 1Австрия шиллинги | 22,79 |
| 1Англия фунт стерлинги | 493,36 | 10Бельгия франки | 77,75 |
| 1Голландия гульдени | 142,33 | 10Греция драхмаси | 9,21 |
| 1Дания кронаси | 42,12 | 1БАА дирхами | 91,49 |
| 1АҚШ доллари | 336,03 | 1Миср фунти | 87,51 |
| 10Испания песети | 18,85 | 100Италия лираси | 16,20 |
| 1Канада доллари | 217,50 | 1Хитой юани | 40,59 |
| 10Люксембург франки | 77,75 | 1Малайзия ринггити | 88,44 |
| 1Германия маркаси | 160,37 | 1Польша злотийси | 84,32 |
| 1СДР | 435,94 | 1000Туркия лираси | 0,37 |
| 1Финляндия маркаси | 52,75 | 1Франция франки | 47,82 |
| 1Швейцария франки | 204,16 | 1ЕВРО | 313,65 |
| 10Жанубий Корея вони | 2,64 | 10Япония иенаси | 28,17 |
| 1Россия рубли | 11,73 | 1Украина гривнаси | 61,90 |

***) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.**

# ПАҲЛАВОНЛАР ҲАР КУНИ ТУҒИЛМАЙДИ

(Боши 1-бетда)

-Ҳалиям турибди. У машина мен учун жуда қадрли. Жаҳон чемпиони бўлиб қайтганимдан кейин беришган. Йигирма йилдан ортиқ миндим. Бу "Тико" - ўғлим Акобирники. У ҳам жаҳон чемпиони бўлгач, вилоятимиз ҳокими Самойдин ака Ҳусенов ўз қўллари билан машина калитини топширдилар. Бу кунларнинг ўзи келмайди, дўстим! Собиқ СССР полвонларини ютиб жаҳонга чиқиш учун не-не давангирлар билан олишмадим. Фёдоров, Никулин, Курицин, Ионов сингари бадани қайроққа айланганлар ҳақида сизда тасаввур уйғотиш учун Лабиҳовуздаги юз йиллик чинорларни эслатиш керак, холос.

-Собир Ҳайитович, сизга ҳавасим келади,- дейман гап навбатини ўзимга олиб. –Бир ҳовлига иккита "жаҳон" сиғиб турибди-я!

Ўхшатишим унга маъқул бўлди чоғи, қўшиқни яна озроқ пасайтирди. У мушоҳада қилаётган эди шу чоғ...

Бир пайт чеҳраси яшнаб кетди.

-Зўр гап экан, шоир! Буни ёзса бўлади.

-Яна битта зўр гап бор,- дедим унинг ҳайратини йўқотмай.

-Айтинг,- деди у галстугини бироз бўшатиб.

-Сизни олд полвонлар қаторига қўшиб санаш ҳам бироз ноқулай.

Собир Ҳайитович магнитофонни бутунлай ўчириб қўйди, диққати ошди, чамаси.

-Сабаб?

-Чунки кечагина "спорт устаси" талабини бажарган йигитлар ҳам полвон саналса... Сиз ҳам...

-Биз катта полвонмиз-да,- кулди Собир ака гап нимада эканлигини пайқаб.

-Йўқ, сиз паҳлавонсиз! Полвон билан паҳлавоннинг фарқи бор. Жаҳонга чиққан ўғлонлар бари паҳлавон саналади.

Камол, Шуҳрат, Акобир, Ботир ҳам бари паҳлавон! Сизнинг издошларингиз. Паҳлавонлар ҳар куни туғилмайдилар.

-Дарҳақиқат, ҳақсиз. Илгари ҳеч ўйламаган эканман. Паҳлавонлар ҳам кўпайиб қолибмиз-ку! Насиб бўлса, ҳали яна чиқади. Кўзимнинг остида уч-тўрттаси бор. Залга сиғмай курашади. Худо уларни ёмон кўздан асраса бўлгани.

Собир Ҳайитовичнинг энг ажойиб фазилатларидан бири – шогирдпарварлигига тан бераман. Бир гал мусобақада қатнашаётган иқтидорли ёш полвоннинг рўзғорига ўз ҳисобидан бозор қилиб, элтиб берганига гувоҳ бўлганман. Шу йигит ҳозир Самарқандда ички ишлар идорасида ишлайди. Кўп бор Ўзбекистон чемпиони бўлди.

Собир ака билан бир зумда Бухорога кириб келдик. Самарқанд дарвозада паҳлавон мендан соат сўради. Айтдим. "Ҳали болалар ухлайдиган вақт ҳам бўлмабди-ку!",- деди у. Болалардан гап кетибми у мамнун қиёфада менга сўз қотди:

-Яқинда набиралик бўлдим. Укангиз Акобир паҳлавон ўғил фарзанд кўрди. Саидисломбек қўйдик исмини. Ҳозир бориб у билан ярим соат кичик машғулот ўтказаман. Ҳалитдан бешикни ағдаради-я! Бўладиган болага ўхшайди.

Манзилга етгач, эшигим олдида "Тико"дан тушиб қолдим. Собир ака машинасини яқин йўлдан ҳайдаб кетди. У билан ҳамсуҳбатликда ўтган қўшсоат бу куннинг юзи ёруғ соатлари бўлгандай эди! Машҳур полвоннинг суюкли набираси Саидисломбек, айниқса, юрагимга қаттиқ ўрнашди. Вақти келиб унга отасининг, бобосининг йўлини беришини Аллоҳдан сўрадим.

**Дилмурод ЖАББОР,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**



*Тоғ қишлоғида сайил.*

Б.АКРАМОВ сурат-лавҳаси

## ЖАВОҲИР

# ФОЙДАСИ ТЕГДИ...

Бир ҳаким дебди:

"Ҳикматдан қирқ дафтар ёздим, лекин, ҳеч қандай фойда кўрмадим. Шундан кейин қирқ сўзни танлаб олдим. Бунинг ҳам нафи тегмади. Охири тўрт сўзни танлаб олдим – фойдаси тегди.

Буларнинг биринчиси – аёлларга ҳам эркаклар каби ишонч боғламоқ...

Иккинчиси – бойликка ҳирс қўйма, чунки, бир кунмас-бир кун замон ҳодисалари уни паймол қилади.

Учинчиси – сирингни дўстингга ҳам айтма, чунки, дўстлик душманликка айланиши ҳаётда кўп учрайди.

Тўртинчиси шулки, фақат нафи тегадиган ишни танла; фойдасиз фазилатдан қочиш ва фақат зарур нарсага қулоқ солиш лозим".

# КИШИ ФАЗИЛАТИ БИЛАН...

Искандар Зулқарнайн билимдон бир кишини шарафли ва баланд мансабидан бўшатиб, паст ишга тайинлабди.

Бир куни саройга келганда сўрабди:

-Қани, айтчи, янги мансабинг ёқдими?

-Подшоҳнинг умри узун бўлғай! – деб жавоб қилди у. – Киши мансаб билан шарафли бўлмайди, балки, мансаб инсон билан зийнатлидир. Қайси лавозимда бўлмасин, хуштабиатлилик ва адлу инсоф зарур.

Бу гап Искандарга маъқул бўлади ва унга илгариги мансабини қайтариб беради.

# МИСЛИ БУЛОҚ СУВИ ЗИЛОЛ БЎЛҒАЙМАН

(Боши 1-бетда)

Шу боисдан ҳам оғриқни қолдиргувчи дорилар ана шу оғриқни келтириб чиқараётган касалликлардан воқиф бўлгандан кейин, беморни муайян маънода "ғафлатда" тутиб туриш учун берилади.

Бу мулоҳазалардан келиб чиқиб, шеъриятимизда дард сўзининг фаол иштирокини ўйласак – шоирлар башариятнинг маънавий жиҳатдан ўзига хос оғриқ марказларидирлар. Асл шеърлари инсониятни ҳалокатга келтирувчи оғриқлардан огоҳлантириб, ғафлатдан халос этувчи мўътабар шуурлардир.

Мана, Паҳлавон Маҳмуд мисралари:

"Ишқда вужудимни совуқ ўй чақади,
Гул очилиб, димоғни хуш бўй чақади.
Бу дардда ўзим силайман ўз бошимни,
Мисли илон, қўлимни ҳар мўй чақади".

Ишқ тафаккури билан оғриқ дардини чекаётган бошнинг ҳиссиз мўйларидан-ки минг-минглаган илон чақиши қадар оғриқни ўз кафтлари билан сезаётган шоирнинг юраги қандай дардманд эканлигини, Паҳлавон Маҳмуд умр бўйи нақадар буюк оғриқларни чекиб яшаганлигини ана шу мисралардан тасаввур қилиш қийин эмас.

Паҳлавон Маҳмуд оташин мисралар битар экан, ўзининг ҳар бир сўзи билан бизни ҳушёрликнинг юксак чўққиларига олиб чиқади ва биз ҳам беихтиёр рўйи заминнинг нафақат тўрт, балки, олти томонининг юксаклик ва тубанликдаги сатхларида мавжуд бўлган дардларни мутассил илғаб турадиган ўзига хос оғриқ марказларига айлана борамиз.

"Ҳақ бу – Сен Ўзга ҳақни мен билмасман,
Ҳажрингда бўлак фироқни мен билмасман
Олти тараф бўлса-да мавжуд гарчи,
Қибладан ўзга ёқни мен билмасман".

Шоир вужуди Каъбатуллоҳ ҳамда шу табаррук даргоҳ орқали Аллоҳ дийдорига талпинадиган инсондир. Шоир тафаккур паргорининг маркази ҳамиша барча эзгуликларнинг тажассуми бўлган Аллоҳ ва унинг бандаси инсондир.

"Дўст дея мард ёргувчи бош ҳеч ким йўқ,
Дўст дардини қилгувчи талош ҳеч ким йўқ.
Ёр холини бир нуқта билиб паргордек,
Гир айланибон тўккувчи ёш ҳеч ким йўқ".

Демак, шоирнинг дарди паргорнинг маркази янглиғ барқарордир. Шуниси муҳимки, бу барқарорлик шоир ижодида инсон руҳий жароҳатларга гирифтор қилиб тургувчи, инсоннинг инсонлилигини таъмин этувчи ана шу мўътабар маънавий оғриққа сўнмас меҳр-муҳаббат, шу оғриқни асраб-авайлаш, уни бой бериб қўймаслик умидларидан келиб чиққан бир гўзаллик руҳи билан суғорилган.

Шундай қилиб, шоир дардда инсонни маънавий жиҳатдан мумтозлаштирувчи фазилатнигина кўриб қолмасдан, бу дардда чексиз гўзаллик борлигини ҳам алоҳида уқтиради. Паҳлавон Маҳмуд ўз лирик қаҳрамони ҳам ўз ўқувчиси билан дард чекар экан, чекилаётган бу дарднинг ҳукми мутлақлигига баъзан шубҳа билан қарайди ва оқибатда мазкур шубҳа натижасида дарддан дард келиб чиқади, ботиний фожеа кучаяди ва шунинг шарофатидан инсоннинг инсонлиги яна ҳам теранлашади.

"Аччиқ бу жаҳонки жон ширин бўлмайди,
Ҳолва десанг забон ширин бўлмайди.
Чарх лаззатини тотармиканман ҳеч вақт,
Бу даргумон... гумон ширин бўлмайди".

Паҳлавон Маҳмуд рубоиётида дард учун эмас, балки дард инсонини маънавий жиҳатдан баркамол қилиб юксалтирмоқ учундир. Шоир дардининг мутлақо ботиний бир эҳтиёждан келиб чиққанлигига далил шуки, шоирнинг қалами лозим бўлган пайтда масрур тебранади, ҳаёт шодликларидан завқланади, эришилган руҳий зафарлардан тантана қилади. Бироқ, бу тантаналар уни мутлақо эсанкиратиб қўймайди, аксинча яна ҳам сергаклантиради, дардмандроқ қилади ва бу дардмандликнинг самараси ўлароқ, ўз навбатида, яна ҳам музаффар мисралар алангаланади. Шунда беихтиёр Алишер Навоий берган таъриф тасдиқланади, яъни шоир рубоийларида дарднинг ўзи шу дарднинг давоси бўлиб жаранглайди. Рубоий:.

"Сайқал берибон дилга, ҳалол бўлғайман,
Беғаш, бекудрат, бемалол бўлғайман.
Дардларни ювиб фориғ этар кўз ёшим,
Мисли булоқ суви, зилол бўлғайман".

Шоир дард чекаётган одамга дармон бўлиш учун коинот моҳиятини ўрганади ва бу ўрганиш уни руҳий талотумлар бағрига ташлайди. Шоирга гоҳ барча муаммоларни бартараф этиш имкони бор, бунга инсоннинг ўзи ожиздек бўлиб туюлади.

Шуни алоҳида таъкид этиш жоизки, бундай рубоийлар ўқувчининг юрагига таҳлика солиш учун эмас, балки уни умрнинг ўткинчилигидан огоҳ этиш учун, нафс бандасидан Аллоҳ бандасига, ўз руҳининг мураббийсига айлантириш учун битилгандир. Агар инсон ана шу даражага эриша олса, бундай инсон

"Дунёга ёпишган чирмовуқмиз ҳаммамиз,
Дон – таъмамиз.
Турки совуқмиз ҳаммамиз.
Эртага руҳ қушлари бир-бир учади,
Биз қоламиз.
Чунки... товуқмиз ҳаммамиз",

Рубоийсидаги "ҳамма"лар сафидан халос бўлади ва бундай инсон шундай камолотга эришадики, унинг шарафига Паҳлавон Маҳмуд ҳазратларининг бошқача мисралари бағишлангандир. Рубоий:

"Рўй берди жаҳон, жаҳон ўзинг, рўй – ўзинг,
Дарёдир ақл, оққан узун ўй ўзинг.
Шабнам каби баргда бесамар милтирама,
Гул бу ўзинг, гулдаги хушбўй ўзинг".

Паҳлавон Маҳмуд дарди мусбат ва манфий нуқталар ўртасида тинимсиз жунбушдадир. Шоир бу рубоийсида

"Дафтардаги ҳар нуқта – дилимдан доғдир,
Мотамда миср каби ишим дард, оҳдир.
Дилда таъма сабаб бу сўзим мужмал,
Бошда фироқ сабаб бу ер – дардгоҳдир",

деб рўйи заминда ҳаёт кечирмакнинг турли машаққатларини изтироб билан ифода этади.

**Матназар АБДУЛҲАКИМ**
(Давоми бор).

## ТАЪЛИМ

***Вилоят болалар кутубхонаси, Сирдарё ва Сайхунобод туманлари халқ таълими бўлимлари, Бахт шаҳар ҳокимлигининг "Бахтнома" газетаси таҳририяти "Президент асарларини ўрганамиз" деб номланган ёш китобхонлар кўрик-танловини эълон қилди.***

# КИТОБХОНЛАР КЎРИК - ТАНЛОВИ

Бундан кутилган асосий мақсад "Ўзбек модели"нинг ижодкори, мамлакатимизни буюк келажак сари дадил олиб бораётган Юртбошимизнинг асарларини мактаб ўқувчилари қай даражада ўқиган ва уққанлигини аниқлашдан иборатдир.

Кўрик-танловнинг биринчи босқичи ғолибини мактаб ўқитувчилари ва кутубхоначилар аниқлайди. Иккинчи босқичда ғолиб "Бахтнома" газетасида эълон қилинган тест саволларига тўлиқ жавоб берган ва ҳайъатнинг суҳбатида юқори кўрсаткичларга эришган бўлиши шарт.

Кўрик-танлов ғолибларининг ҳар бирига Президентимизнинг янги китоблари тақдим этилади. Шунингдек, вилоят кутубхонаси, Сирдарё ва Сайхунобод туманлари халқ таълими бўлимлари, "Бахтнома" газетаси таҳририятининг ва ҳомийларнинг қимматбаҳо совғалари топширилади.

Бундан ташқари, биринчи ўринни эгаллаган ёш китобхон аъзо бўлган кутубхонага 100 та, иккинчи ўринни қўлга киритган ғолиб ўқувчи қатнаётган кутубхонага 50 та, фахрли учинчи ўринга сазовор бўлган ёш китобхон мактабидаги кутубхонага 25 та китоб совға қилинади.

Ғолиблар номи "Наврўз" умумхалқ байрами арафасида эълон қилинади.

**О.СУЛТОНОВ**

# СУМАЛАКДА СИНОАТ СЕРОБ

***Қадим замонлардан халқимиз март ойида уйғониш фаслининг байрами – "Наврўз"ни қарши олишади.***

Шу куни қишлоқларда, маҳаллаларда сумалак пишириш маросими бошланади.

Бу маросим катта тўй-тантанага айланади. Ёшу қари кечаси билан гулхан ёқишиб, қозон атрофида ўйин-кулгу қилишади. Сумалак эрталаб наҳорга тортилади. Ҳар бир уйга бир косадан улашилади. Сумалак еган қариялар яхши тилаклар айтишади, ёшлар эса куч-қувватга тўлиб, баҳорги ишларга тўла куч билан отланишади.

## БАҲОР ТАОМЛАРИ

Бу тўғрида бир ривоят ҳам бор: Қадимда Ўрта Осиёга душман ҳужум қилиб, Бухоро қалъаси ёнигача бостириб киришибди. Оч-наҳор, ҳолдан тойган аскарлар қасрнинг бузуқ деворлари ёнида ётиб бироз ҳордиқ чиқаришмоқда эканлар. Шунда улардан бири қаср ертўласидан бир неча сиқим буғдой доналари кўкариб турганлигига кўзи тушади ва уни ошпазга бериб қайнатишни буюрибди. Тайёр бўлган масаллиқдан ҳамма аскарлар бир-бир татиб кўришибди. Чорак соат ўтгач ярадор ва силласи қуриган навкарларда илоҳий куч-қувват пайдо бўлиб, ёв устидан ғолиб чиқишган экан.

Ривоятда ҳам жон бор. Сумалак ўз таркибида ҳамма витаминларни мужассам қилади, асосан унда "С" витамини, глюкоза, витамин В1, В2, В6, РР ва бошқалар мавжуд. Бу витаминлар танага куч ва қувват бағишлайди.

Сумалак тайёрлаш учун 1 килограмм пахта мойи, 0,5 килограмм буғдой, 2 килограмм буғдой уни, 15-20 та ёнғоқ ёки шунча тош керак бўлади.

**П.ТУРСУНОВ,**
**М.ЮСУПОВА,**
**доришунослар.**



**- Байрамингиз муборак бўлсин, устоз!**

Б.РИЗОҚУЛОВ сурат-лавҳаси.

## ШИФОБАХШ ГИЁҲЛАР

# КАШНИЧ

Халқ табобатида таъкидланишича, кашничнинг майиз ва асал билан аралашмаси эшакеми ва нори форсийга қарши доривор воситадир.

Шунингдек, уни, талқон ёки нўхат билан аралаштирилса қулғунага қарши фойдалидир. Сафро ёки балғам буғидан пайдо бўладиган бош айланиши ва тутқаноққа ҳам даводир. Сиқиб олинган кашнич суви она сути билан қўшиб кўзга томизилса, кўзнинг лўқиллаб оғришини тўхтатади. Иссиқ хафақонга даво восита эканлиги ҳам исботланган.

Кашнич суви баргизуб суви билан қўшиб ичилса, қон туфлашни тўхтатади.

# КЕЛИН ТИЛИ

(ЗАНЖАБИЛ)

Занжабил уруғини янги барраси билан янчиб, юздаги доғларга, сепкилга ва эскирган қизил нуқтали қонталашларга суртилса, уларни кетказади. Қаттиқ шишларни қайтаради.

# ЛИМОНЎТ

(БАДРАНЖБУЯ)

Лимонўт савдодан бўлган қўтирга фойда қилади. Миядаги тиқилмаларни очади. Оғиз ҳидини кетказади. Юрак ўйноғини йўқотади. Ҳазмга ёрдам беради, ҳиқичоқни тўхтатади.

**Саодат ФАЙЗИЕВА**
**тайёрлади.**

## ШУНАҚАСИ ҲАМ БЎЛАДИ

# СЕВГИ ҲАМ КАСАЛЛИК ЭКАН

***Буни америкалик 36 ёшли Грэг тўйдан кейингина тушуниб етди.***

Хуллас, анъанага кўра куёв келин бўлмишни никоҳ кечасида то уйгача кўтариб олиб кириши лозим эди. Бўлажак турмуш ўртоғининг оғирлиги 120 кило, Грэг эса, бор йўғи 80 килограмм, холос. Нима қилиш керак?.. Бошга тушганни кўз кўради-да!.. Грэг келинни биринчи уринишда даст кўтариб олди-ю, шу заҳотиёқ бел қисмидаги кучли оғриқ зарбидан ерга гупиллаб йиқилди...

Айтишларича, ҳозир Грэг ногиронлар аравачасида ўтирганча, келинчакни парҳез сақлашга мажбур қилаётганмиш.

# ҚИЁМИГА ЕТМАГАН ИХТИРО

***Россиялик 80 ёшли отахон анчадан бери ўз шахсий машинасини яратиш орзусида эди.***

Ниҳоят, у оддий бир кишилик кароватдан қойилмақом машина яратишга муваффақ бўлди.

Аввалига ғилдираклар, кейинроқ эса, бошқарув қисми, мотор дегандай. Қарабсизки, қисқа фурсатда ҳақиқий, замонавий "Кароват автомобил" тайёр бўлди-қолди. Бу машина соатига 1,5 км тезликда ҳаракатланиши керак. Бошланиши ёмон эмас-ов!

Хуллас, отахон аъло бир кайфиятда йўлга чиқди. Ахир, уни рўйхатдан ўтказиш керак-да! Шу пайт кутилмаганда ДАН ходимлари тўхтатиб қолишди. "Ие, тормоз қисми эсдан чиқибди-ку!"

Яхшиямки, ДАН ходимлари "машина"ни ўз қўллари билан бир амаллаб тўхтатиб қолишди. Бўлмаса, худо кўрсатмасин, бирон бир фалокат юз бериши мумкин эди.

**О.ҲАЙИТОВ тайёрлади.**

## ТАБИАТ ВА ИНСОН

# ҚУЛУНЧА

**Уруш қатнашчиси Саттор Абдуллаев ҳикояси**

***Алхово фронтида даҳшатли жанглар кетаётган эди. Тўпларнинг гумбирлаши ўрмонзорни ларзага соларди.***

Олий даражадаги қўмондонларга овқат тайёрлаш менинг зиммамдаги масъулият эди. Ёнимда бир нечта ёрдамчи ошпазлар бўлишига қарамасдан, хўжалик мудири капитан Грашенко генералларга овқат учун жонлиқлар сўйишни менинг зиммамга юкларди.

-Нега деганда мусулмонлар сўйган жонлиқдан тайёрлаган таом ўта лаззатли, ўта иштаҳабоп бўлади, - дерди капитан.

Немислар яқинлашиб қолган. Энди тўплар эмас, ҳатто зенит, пулемётларнинг садолари аниқ эшитилиб, ўлим даҳшатидан жар сола бошлади. Ўрмонни хирагина туман қоплаб, ёмғир шивирлаб турибди. Қаторасига ўрнатилган ҳарбий палаталарни каска кийган автоматчилар қўриқлаяптилар.

Сафар ошхонамиз атрофи оқ дока билан ўралган бўлиб, махсус машиналарда овқат тайёрланади. Яқингинамизда "Юлдуз" лақабли бия эндигина туғилган қулунчасини эмиздираяпти. У кичкинагина туёқчаларини той-той босганича онаси ёнида ўйноқлаб ҳам қўяди. Бия эса унинг йиқилиб қолишидан, дарахт буталарига урилишидан хавотирланиб, қулунча изидан эргашиб юрарди. "Юлдуз" яқинда туққани учун сув ташийдиган сув бочкааравасини ва ўтин ташийдиган аравани ҳарбий машиналар судраб юрарди. Қулунча қамишдек тик, жажжи қулоқчалари, майингина, ҳали нимжонгина вужуди илиққина ёз ёмғиридан хира ялтираб, жунжикиб қўяди.

Қулунча онасидек жайрон қашқа, фақатгина туёқлари тиззасидан пастроғигача оппоқ. Киприклари узун, кўзлари онасинидек катта-катта, қарашлари ниҳоятда жозибали эди.

Соат ўнлар чамаси капитан Грашенко мени ёнига чақирди. Ҳарбий интизомга биноан, қаршисида қаддимни тик тутиб, келганимни баён қилдим.

-"Вольно!" – деди-да, Грашенко қулунчага ишора қилди. – Тутиб олиб, мусулмон қоидасича сўясанда яхши жойидан кабоб қиласан. Тушундингми?! Тушликка генераллар келади. Саккиз кишига овқат тайёр бўлсин, бор!!

Мен ошхона пичоғини яхшилаб қайрадим. Унгача ёрдамчиларим беозор, ҳали онасини тўйиб эмолмаган қулунчани кўтариб келиб ётқизиб, оёқларини боғлашди. "Юлдуз" боласини қутқазишга келганида, ошпазлар уриб ҳайдадилар. Бия эса пишқириб, ўлимга маҳкум этилган боласини қутқаришга беҳуда уринарди.

Бия боласи, қассоб пичоғидан ўлишини англаб, кишнаб юборди. Қулунчани тумшуқчасидан ушлаб, бўйнига пичоқ қўйган чоғимда қаттиқ талпинди ва онасининг мунгли, ожиз кишнашига жавобан кишнади. Унинг қўнғироқдек майин овози миямга урилиб, қалбимни жунбушга солди. Беихтиёр қулунча кўзига тикилиб қарадим. Худди шу чоқ, гўё энг нафис гўзалликни барбод этаётган жаллоддек ўзимдан нафратландим. Кўз ўнгим хиралашиб, вужудим қақшади. Беихтиёр унинг оёқларидаги ипни кесдим-да, ўлим чангалидаги жажжигина вужудни турғизиб қўйдим. Ер тепиб турган онаси томон отилишдан олдин, қулунча кишнаб юборди-да, чопқиллаб бора солиб онасини эмабошлади. Унинг тиниқ, феруза осмондек мусаффо, нафис мусиқадек ҳаётбахш овози ҳозиргина вайронага айланган кўнглимга таскин берди. Беихтиёр жилмайдим.

Капитан Грашенконинг бақириб-чақириши, таржимоннинг мени ўлим жазоси билан қўрқитганига парво қилмадим. Фақат қулунча ҳаётини сақлаб қолганимдан хурсанд эдим. Бундай ҳолатда зобит буйруғини бажармаган аскар ҳарбий дала суди қарори билан отиб ташланишини ҳам билардим.

-Сен қулунчани сўй! – хитоб қилди капитан Грашенко. – Ҳамма гуноҳларингни кечираман. Генераллар олдида мени шарманда қилма, йўқса ҳозироқ дала судини чақираман-да, ўзим отиб ташлайман, - дея бақирди.

Мен йўқ, дея бош чайқадим. Худди шу чоғ, баланд бўйли, истараси иссиқ, кўзларидан ўт чақнаб турган генерал келибоқ: "Атставит" – деди секингина ва қўлларимдан ушлади.

-Ҳаммасидан хабарим бор, капитан! – хитоб қилди у. – Бу аскарнинг жазосини менга қўйиб беринг!

-Есть! – деди капитан танбур торларидек таранг тортилиб.

Кўп ўтмай мен генерал қаршисида тик турардим. Генерал чой қуйиб менга берди-да, қандга ишора қилди.

-Мен оғир яраланиб, хушсиз ётганимда, госпиталимиз Самарқандга эвакуация қилинганди. Мен ўзимга келдиму, ўзбекларни кўрдим. Меҳрибон, дилкаш, билимли шифокорлар, ҳамширалар бир умрга туғишганлардек қадрдон бўлиб қолишди. Менинг ўзбек халқига меҳрим тушди. Уларнинг дилбар, очиқ кўнгиллилигини қадрлайман. Ахир улар менга жон ато қилишди. Сен эса Саттор, авангард қисмларда жанг қиласан. "Юлдуз" эса қулунчаси билан фронт орқасига юборилади.

Шундай қилиб мен қассоб пичоғидан умрбод воз кечдим.

**Исоқ САТТОРОВ.**

**Покупаем буровые коронки и шарошки.**
**Тел: 8-3272-970333;**
**8-333-2161973**

**"Арзмус" жамоа корхонасининг бошқа турдаги корхона шаклига ўзгартирилиши муносабати билан корхона ходимларининг умумий мажлиси бўлади.**

**Мажлис 2001 йил 14 март куни соат $10^{00}$ да Тошкент шаҳри, Боғидил кўчаси, 6-уйда ўтказилади.**

**Кун тартиби:**

**1. Жамоа корхонасининг бошқа турдаги корхона шаклига ўзгартирилиши ҳақида.**
**2. Таъсисчиларнинг янги гуруҳи ҳақида.**
**3. Таъсис фондининг тасдиқланиши ва таъсисчилар ўртасида тақсимланиши ҳақида.**
**4. Бошқа масалалар.**

Ўзбекистон Республикаси Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси жамоси уюшманинг Хоразм вилояти вакиллиги раҳбари ўринбосари М.Жуманазаровга рафиқаси **Розия МУҲАМЕДОВА**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТ

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:** Саид АҲМАД, Туроб ХОЛТОЕВ, Азимжон АЮПОВ, Абдурашид БОБОМИРЗАЕВ, Искандар ҚАЛАНДАРОВ, Эркул ЗИКРИЁЕВ, Икромхон НАЖМИДДИНОВ, Бахтиёр ОЛИМЖОНОВ, Комилжон МАМАЖОНОВ, Суннат САЙДАЛИЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ҳабиб ТЕМИРОВ (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Ғафур ШЕРМУҲАММАД (масъул котиб), Шамсиддин ЭСОНБОЕВ.

**МУАССИСЛАР:** *Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, "Ўздонмаҳсулот" корпорацияси, "Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг" компанияси, "Ўзпахтасаноатсотиш", "Ўзбек ипаги", Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмалари, Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси*

**Телефонлар:** Қабулхона - **133-09-93 - 133-40-87** (факс), бош муҳаррир ўринбосарлари — **133-16-27, 133-44-43**, котибият — **136-56-26**. Ижодий гуруҳлар: **136-56-21, 136-56-25, 136-54-42**, реклама ва эълонлар— **136-56-30** (факс).

**ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:** Қорақалпоғистон Республикаси - **8-361-58-519-58**; Андижон - **8-374-2-25-32-23**; Бухоро - **8-365-22-648-22**; Жиззах - **8-372-33-553-59**; Навоий - **8-436-22-588-56**; Наманган, Фарғона - **8-369-22-652-10**; Самарқанд - **8-366-233-00-52**; Сурхондарё - **8-376-46-526-61**; Сирдарё - **8-367-225-41-73**; Тошкент - **8-371-136-56-21**; Хоразм - **8-362-22-640-80**; Қашқадарё - **8-375-22-517-65**.

**МАНЗИЛИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32**

Газета сешанба, пайшанба, жума кунлари чиқади

«Шарқ» нашриёт матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

**Газетамиздан мақолалар кўчириб босилганда «Қишлоқ ҳаёти»дан олинди деб кўрсатилсин.**

**Навбатчи:** А.КАРИМОВ.

**Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси томонидан 2000 йил 8 августда №00006-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.** | **Буюртма Г— 2008, ҳажми 2 босма табоқ.** | **Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.** | **Босишга топшириш вақти 21.00. Босишга топширилди** | **Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди** | 1 2 3 3 4 6.